



Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

2011-yil 7-aprel № 44-45 (2926) payshanba

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигини қўлга киритган буюк тарихий сана – 1 сентябр халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида бекиёс ўрин тутадиган, ҳар йили энг улғ, энг азиз байрам сифатида катта шоду хуррамлик билан нишонланадиган қўтлғ айёмдир. Бу йил Ватанимиз мамлакатимиз истиқлолининг шонли санасини – миллий мустақиллигимизнинг йигирма йиллигини баланд рух ва кўтаринки кайфият билан кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда.

Тарихан қисқа бир даврда аввало эл-юртимизнинг хоҳиш-иродаси, куч-қудрати, машаққатли ва бунёдкорона меҳнати эвазига жаҳон харитасида янги, ўз кучи ва салоҳиятига таянган, бугун тараққиёт йўлидан барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган мустақил, суверен Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг тарихий ғалабасидир.

Айниқса, мамлакатимизда демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш ва ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олиш йўлида эришган марраларимиз жаҳон аҳлини ҳақли равишда ҳайратда қолдирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда ўтган давр мобайнида қўлга киритган ютуқ ва натижаларимизни, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, унинг халқаро майдонда нуфузи тобора юксалиб бораётгани, туб ислохотларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига янада чуқурроқ очиб бериш ва халқаро жамоатчиликка етказиш учун тегишли ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш эътибор марказида бўлиши зарур.

Айни шу вазифаларни инобатга олган ҳолда ва байрам тадбирларини ватандошларимиз, хусусан, ёш авлод қалбида чуқур таассурот қолдирадиган юқори савияда ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб ишлаб чиқилган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури 1-иловага, Тошкент шаҳрида ўтказиладиган асосий байрам томошаси дастурини тайёрлаш бўйича ижодий гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Байрамни ўтказиш билан боғлиқ барча тайёргарлик ишлари ва тадбирларни «**Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!**» деган шior остида ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссияси (Ш.Мирзиёев) томонидан:

комиссия йиғилишларида дастурда белгиланган чора-тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қандай амалга ошириладигани юзасидан маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботи мунтазам равишда эшитиб борилсин;

байрам тантаналари арафасида фойдаланишга топшириладиган ишлаб чиқариш, ижтимоий-маданий объектларни ўз вақтида ишга тушириш чоралари кўрилинсин;

мамлакатимиз ёшлари – умумий ўрта таълим, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари учун мўлжалланган алоҳида тадбирлар режаси амалга оширилсин;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод» спорт ўйинларини (Термиз шаҳрида), мамлакатимиз ёшлари иштирокида «Биз – йигирма ёшда» форумини, меҳнат ва ўқув жамоалари ўртасида спорт турлари бўйича «Мустақиллик кубоги» мусобақалари ва марафонини юқори савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин;

(Давоми 2-бетда)

● Биз — бунёдкор халқимиз



Оролбўйининг обод овуллари

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Оролбўйи овулларида аҳолининг турмуш маданиятини янада яхшилаш, замонавий инфратузилмани шакллантириш мақсадида кенг қамровли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Эллиққалъа туманидаги Қилчиноқ, Тоза боғ, Ақчакўл овулларида ҳар бирида намунавий лойиҳа асосида йигирматадан замонавий турар-жойлар қурилиб, ўз эгаларига топширилди.

Жорий йилда тумanning етти овулида жами юзга яқин ана шундай уйлар барпо этилмоқда. Қирққизобод қишлоғида ўнта замонавий уй-жойни «Қирққизмаҳсусқурилиш» масъулияти чекланган жамиятининг қўли гул қурувчилари барпо этмоқда.

— Қўшни қишлоқда шаҳардагидек барча қўлайликларга эга уйларни кўриб, ҳавасимиз келган эди, — дейди қирққизободлик Боғибек Қодиров. — Бундай уйлар бизнинг қишлоқда ҳам қурилса, деган орзуимиз бор эди. Мана, бу йил қишлоғимизда бир-бирдан шинам ва

гўзал уйлар бунёд этилмоқда. Мен ҳам ана шу уйларнинг бирига буюртма бердим. Янги уйлар замонавий бинокорлик материалларидан пишиқ ва пухта қилиб қуриладиганидан кўнглимиз тўлмоқда.

Янги уйларга табиий газ, электр энергияси, тоза ичимлик суви келтирилиб, савдо нуқталари, хизмат кўрсатиш шохобчаларини қуриш ҳам кўзда тутилган.

Нукус туманидаги «Саманбай» овулида ҳам йигирмата намунавий уй-жой эгалари ҳовли тўйини нишонладилар.

— Овулимиз замонавий қиёфа касб этиб бормоқда, — дейди янги уй эгаларидан бири Алишер Разбеков. — Олдинга овулимизда намунавий лойиҳада йигирмата

уй қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Уларда яратилган қўлайликларни кўриб, турмуш ўртоғим билан бундай уйларга қизиқиб қолдик. Мана, иккинчи навбатда бунёд этилган йигирмата ана шундай уйнинг биттасини олишга муваффақ бўлдик. Шинам, кўркам уйда яшаш кишига ҳузур бахш этар, очиги, ҳаётга муносабатини ўзгартирар экан.

«Саманбай» овулида мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрамига ана йигирмата замонавий турар-жой қурилиши якунланади. Бу ерда мактаб, болалар спорт майдончалари ва савдо дўкони ҳам қад ростлайди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎЗА мухбири

Суратда: Арухон Калимбетова ўғли Достон билан янги уйда.

Арслон КАННАЗАРОВ (ЎЗА) олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИНИ
НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

анъанавий «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини, ёш ижрочилар ўртасида «Ниҳол», истеъдодли ёшлар ўртасида «Келажак овози», журналистика соҳасида «Энг улуг, энг азиз», «Олтин қалам», «Озод юрт тўлқинлари», замонавий санъат ва фольклор ижодиёти соҳасида «Навқирон Ўзбекистон», «Асрлар садоси» республика танловларини, шунингдек, янгитдан ташкил этилаётган «Истиклол тарих кўзгусида» (мустақиллик тарихини ёритишга бағишланган энг яхши илмий ва илмий-оммабоп ишлар учун), «Ватан учун яшайлик» (насрий ва шеърий йўналишдаги энг яхши асарлар учун), «Сени куйлаймиз, замондош!» (театр санъати соҳасидаги энг яхши асарлар учун), «Истиклол солнома-си» (кино санъати соҳасидаги энг яхши асарлар учун), «Ранглар жилосида — она диёр» (тасвирий санъат соҳасидаги энг яхши асарлар учун) танловларини юқори даражада ўтказиш таъминлансин.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон

Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб ташкил этилаётган янги кўрик-танловларнинг ўтказиш тартиби, мукофотларнинг миқдори ва даражаси, ғолибларни аниқлаш ва тақдирлаш мезонларини ишлаб чиқсин ва қабул қилсин.

4. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида мустақилликнинг йигирма йиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, жонли мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида танкли олимлар, адиб ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг белгиланган режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирлик ва идоралар ҳамда жамоат

ташкilotлари раҳбарларига:

ўн кун муддатда байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ҳудудий комиссияларни тузиш ҳамда улар томонидан амалга оширилаётган вазифаларни аниқ белгилаб бериш;

жойларда юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни ишлаб чиқишда янги ижодий кучларни, истеъдодли ёшларни кенг жалб этиш вазифаси юклатилсин.

Мазкур режа ва дастурлардан ўрин олган тадбирларни кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда, барча юртдошларимизнинг қалби ва онига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган таъсирчан шаклда, расмийлик ва баландпарвозлик кўринишларидан холи тарзда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

6. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ах-

борот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ва мунтазам равишда ёритиб бориш таъминлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Р.Азимов) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишланган тадбирларнинг амалга оширилиши учун зарур маблағларни ўз вақтида молиялаштиришни таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВТошкент шаҳри,
2011 йил 6 апрелҚонун устуворлиги —
бош мезон

Мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борадаги ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Касаба уюшмалари ҳам ушбу йўналишларда қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, корхона, ташкилот ва муассасаларда иш ҳақи ҳамда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларининг ўз вақтида тўланиши бўйича мунтазам равишда мониторинг олиб бориш йўлга қўйилган бўлиб, натижада жойлардаги айрим корхона ва ташкилотларда йўл қўйилаётган камчиликлар, айниқса, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш мажбуриятларидан бўйин товлаш ҳолатларининг бартараф этилишига эришилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тўлаш бўйича иш берувчилар мажбуриятлари янада оширилди. Хусусан, Солиқ ва бюджет сийосатининг 2011 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши натижасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс тўлдирилди:

«49-3-модда. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш - мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан ўн беш баробаригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади».

Бугунги кунда касаба уюшмалари томонидан иш ҳақи ҳамда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларининг ўз вақтида тўланиши мунтазам назорат қилинибгина қолмай, балки бу борадаги мажбуриятлар ва жавобгарликлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини иш берувчиларга етказиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам

олиб берилмоқда.

Иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни бартараф этиш баробарида иш ҳақига тенглаштирилган тўловларнинг муқаррар тартибда тўланишини таъминлаш борасида ҳам самарали натижаларга эришилмоқда. Масалан, Федерация кенгашининг Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан берилган маълумотларга кўра, биргина Фарғона вилоятида агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Олтиариқ туман кенгаши саъй-ҳаракатлари билан туман «Қишлоқхўжалиқимё» акциядорлик жамияти тизимида ишловчи аёллардан туғишгача ва туғишдан кейинги тўловлар бўйича юзга келган 4,9 миллион сўмлик қарздорлик тўлиқ бартараф этилди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан эса 2010 йил давомида педагог аёлларнинг туғишгача ва туғишдан кейин тўланадиган нафақаларидан 510 миллион сўмликдан зиёд қарздорлик ундирилиб, ўз эгаларига етказилди.

Фарғона шаҳридаги 11-сонли мактабгача таълим муассасаси энагаси Ш.Давронованинг вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик даври учун касаллик варақасига мудира томонидан ҳақ тўланмаганини тўғрисида вилоят тармоқ касаба уюшма кенгашига қилган мурожаати ўрганиб чиқилган, 196 минг 800 сўм миқдоридagi маблағ иш берувчидан энага фойдасига

ундириб берилди.

Тошлоқ туманидаги 29-мактабгача таълим муассасаси энагаси С.Собирова ҳам иш берувчининг ҳуқуқий саводсизлиги натижасида туғиш ва туғишдан кейинги нафақа пулларини ололмагач, касаба уюшма ташкилотига мурожаат қилди. Унинг мурожаати қонун нуқтаи назаридан ўрганилиб, ижобий ҳал этилишига эришилди ва С.Собированинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари тикланди. Шунингдек, нафақа пулларини тўлаш тартиблари тўғрисида мазкур мактабгача таълим муассасаси мудираси У.Қосимова тушунтириш берилди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда инсон омили ва унинг манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ишлар, бу борадаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етиш ҳар бир фуқаронинг диққат эътиборида бўлиши даркор. Зеро, мамлакатимиз Президентини таъкидлаганидек, «Юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда». Ўзбекистон касаба уюшмаларининг юртбошимиз илгари сурган Концепциядан келиб чиққан ҳолда белгилаб олинган устувор йўналишларда ҳам ушбу вазифага алоҳида эътибор қаратилиб, жойларда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон касаба
уюшмалари
Федерацияси кенгаши
Матбуот хизматиҲам тажриба алмашинади,
ҳам ҳордиқ чиқарилади

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши апрел-май ойларида республикамизнинг бир қатор дам олиш масканларида мактаб ўқитувчилари, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари учун минтақавий ўқув семинарини ўтказмоқда. 4 апрел куни Фарғона вилоятидаги «Чимён» сихатгоҳида ана шундай семинар иш бошлади. Унда Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепция»си мавзусидаги ва 2010 йил республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқадиган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда касаба уюшмаларининг ўрни ҳақида сўз борди.

Анжуманда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раисининг ўринбосари М. Шарифжонов сўзга чиқиб, мамлакатимизда «Таълим тўғриси»даги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси юзасидан эришилган ютуқлар, ижтимоий шериклик тамойиллари ҳамда 2011-2013 йилларга мўлжалланган Бош келишувнинг аҳамияти, мамлакатимиз демократик ривожланишининг янги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан, касаба уюшмаларининг тутадиган ўрни тўғрисида гапирди.

— Бу каби семинарлар касаба уюшмалари бошланғич ташкилотлари раислари учун жуда муҳим, — дейди биз билан суҳбатда вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси С. Сайидхўжаев. — Бугун Чимёнга 100 дан ортиқ бошланғич ташкилотлар раислари ва ўқитувчилар йиғилишган. Улар учун давра суҳбатлари, турли маданий-марифий тадбирлар уюштирилади. Ўйлаймизки семинар ўзаро тажриба алмашув руҳида ўтади. Бошланғич ташкилотлар раислари ўз таасуротларини иш жойларидаги ҳамкасбалари билан ўртоқлашадилар, вилоятимиздаги ҳар бир мактаб, мактабгача таълим муассасаларида шу каби ўқувлар уюштирадилар.

Ўқув иштирокчилари бир ҳафта давомида Концепция тамойилларини ўрганиш билан бирга, даволаниш муоалажалари, маданий-марифий тадбирларда ҳам иштирок этадилар. Семинар 10 апрел куни якунланади. Шунингдек, бу каби тадбирлар «Хонқа», «Ситорай Моҳи хоса» каби турли вилоятлардаги 6 та сихатгоҳда ҳам ўтказилади.

Ўз мухбиримиз

Касаба уюшмалари

Назорат қилади

Мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар қандай ташкилот, муассасада ишловчиларга хавфсиз иш шароити яратиш бериш ва беҳатар меҳнат қилишини таъминлаш энг устувор вазифалардан ҳисобланиди. Сирдарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси меҳнат-техника нозирлари ишчи-хизматчиларнинг хавфсиз шароитларда ишлашини мунтазам назорат қилиб бормоқда. Жойларда ўтказилаётган текширишлар шундан далолат бермоқдаки, айрим корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазасига етарлича аҳамият қаратилмаяпти.

Кўза кунда синади

Ўтган йили 13 та бахтсиз воқеа содир бўлганди. Ундан 10 таси оғир ҳолатдаги кўнгилсиз ҳодисалардир. Иш берувчининг масъулиятсизлиги туфайли уч киши ҳаётдан бевақт кўз юмди. Давлат меҳнат-техника инспекторлари томонидан белгиланган режа-жадвал асосида 58 та ҳўжалик юритувчи субъектларда меҳнат муҳофазасига оид ҳужжатлар ижроси ўрганилганда, кўплаб камчиликлар аниқланди ва меъёрий қонун-қоида талабларини бажармаган мансабдор шахсларга маъмурий жазо чоралари кўрилди.

«Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи», деганларидек баъзи бир раҳбарлар жазодан тегишли хулоса чиқариб олишмаяпти. Бу эса кўнгилсиз ҳодисаларнинг юзага келишига сабаб бўляпти.

Гулистон туманидаги 26-умумтаълим мактабининг француз тили ўқитувчиси Севара Синдорова туман Халқ таълими бўлими мудирининг буйруғига асосан бир ой муддатга вилоят педагогик ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтига малака ошириш курсига юборилди. Ўқитувчи учун билимини ошириш — катта имконият.

Севара ҳам катта иштиёқ билан курсга қатнай бошлади. Ўқиди, ўрганди. Аммо, афсуски... Ўқув курси тингловчилари учун институт томонидан пойтахтдаги Француз маданияти марказига бир кунлик саёҳат уюштирилди. Ушбу тадбирга институт ўқитувчиси А.Мингжигитова масъул этиб тайинланди.



15 кишилик гуруҳ турли йўловчи транспорт воситаларида шу кун эрталаб Тошкент шаҳридаги Француз маданият марказига етиб келишди. Улар марказ фаолияти билан яқиндан танишиб, тушдан кейин пойтахтдан Гулистон шаҳрига қайтишди. Кимдир автобусда, бошқа биров енгил автомашинада йўлга тушди.

Севара Синдорова эса «Нексия» автомашинасига ўтирди. Манзилга етай деганда, фалокат юз берди. Катта тезликда елдек учиб келаётган «Нексия» йўлда кетаётган юк автомашинасининг орқасига урилиб, йўлдан чиқиб кетди. Бахтсиз ҳодиса туфайли С.Синдорова оғир тан жароҳати олиб, вилоят шифохонасига ётқизилди. Шифокорларнинг саъй-ҳаракати туфайли муаллиманинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Рўй берган бу кўнгилсиз ҳодисада институт маъмуриятининг айби катта. Ахир пойтахтга алоҳида транспорт ташкил этиш мумкин-эди-ку? Масъулиятсизлик, лоқайдлик туфайли бир инсоннинг соғлиғига жиддий шикаст етди.

Бу каби кўнгилсиз воқеалар содир бўлмаслиги учун ҳар бир ходим, у хоҳ раҳбар бўлсин ёхуд оддий ишчи ўз вазифасига сидқидилдан ёндашиши, касбий масъулиятини чуқур ҳис қилиши лозим.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи муҳбири



Кўллаб-қувватлайди

«Урганчтрансгаз» шўба корхонаси ўзбек газини Ҳамдўстлик давлатларига экспорт қилиш ва туркман газининг транзитини таъминлаш бўйича давлатлараро шартномалар асосида фаолият юритади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти истеъмолчиларига газ етказиб бериш вазифаси ҳам улар зиммасида.

Эътибор ва ғамхўрлик

— Маъмурият билан мустақкам алоқа ўрнатганмиз, — дейди касаба уюшма кўмитаси раиси Умирбек Маткаримов. — Директоримиз Ибрагим Карабаев ишчи-хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар билан мунтазам қизиқиб, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга эътиборни янада кучайтириш чораларини кўриб келаётир.

Корхонада 3330 нафар касаба уюшма аъзоси бўлиб, уларнинг 605 нафари аёллардир. Уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб келинапти. Хусусан, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар таътилда бўлган оналарга ҳар ойда моддий ёрдам кўрсатиш, боласи 12 ёшга тўлмаган аёлларга кўшимча таътиллари бериш, ногирон бола тарбиялаётганларга моддий кўмак бериш, тиббий кўрикдан ўтказиш, санаторийларга махсус «Она ва бола» йўлланмаларини ажратиш, 20 йилдан кўпроқ вақт ишлаб нафақага чиққанларга ҳар ойда пенсия устамалари тўлаш шулар жумласидандир.

Яқинда ўтказилган «Урганчтрансгаз маликаси» танлови нафақат иштирокчи қизларга ўз маҳоратларини ошириш имконини берди, ташриф буюрганларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришларига ҳам сабаб бўлди.

— Мен Ақчақўл магистрал газ қувурлари бошқармасида техник бўлиб ишлайман, — деди танлов иштирокчиси Гулмира Гайипбаева. — Танловга тайёргарлик жараёнида сиёсий-ижтимоий билимларимни мустақкамладим, турли халқларнинг рақсларини ўргандим, ошпазлик сирларидан воқиф бўлдим.

«Газэнергоремонт» техник ишлаб чиқариш корхонаси ҳамшираси Гўзал Собированинг миллий либослари, ўз кўли билан тиккан зардўз буюмлари барчани қойил қолдирган бўлса, Тулей магистрал газ қувурлари бошқармасига қарашли болалар боғчаси ходими Раъно Эшниёзованинг қоғоздан ясаган турли ўйинчоқлари ҳакамлар томонидан ҳам юқори баҳоланди.

Корхона бошқарув аппарати ходими Назокат Абдукаримова барча шартларни мукамал бажариб, ўзининг чаққон ва билимдон эканлигини намойиш этиб, «Урганчтрансгаз маликаси» дея эътироф қилинди.

Танловнинг барча иштирокчилари маъмурият ва касаба уюшма кўмитаси томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» муҳбири

Ҳимоя қилади

Ҳуқуқий маданият тараққиёт омили

Сўнгги йилларда фуқароларимизнинг жамоат ташкилотлари, хусусан, касаба уюшмаларига ишончи ортиб борапти. Буни кейинги йилларда касаба уюшмаларига меҳнаткашлардан тушаётган мурожаатлар кўпайганидан ҳам билиш мумкин.

Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакиллиги таъсирларидаги корхоналар сони 42 тани ташкил этиб, 2010 йилда 78 нафар ишчи-хизматчидан турли мазмундаги мурожаатлар келиб тушди.

Уларнинг аксарияти меҳнат шартномаларининг иш берувчи ташаббуси билан бекор қилиниши, иш жараёнида ходимнинг олган жароҳати муносабати билан бир йўла тўланадиган товон пулларининг ўз вақтида тўланмаётганлиги, меҳнат таътиллари ўз вақтида ололмаслик ҳақидадир.

Касаба уюшмалари ҳуқуқшунослари ўтган йили етти нафар ходимга нисбатан меҳнат шартномаларининг гайриқонуний тарзда

бекор қилиниш ҳолатларини аниқлаб, ходимларни ишлаб турган вазифаларига қайта тиклашга эришдилар. Уч нафар ходимнинг ишдан бўшатилиш ҳолатлари Қарши ва Ғузор туман судларида кўриб чиқилиб, улар ўз ўрнига тикланди, моддий ва маънавий зарар ундириб берилди.

Уч нафар ходимга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 190-, 192-модда талаблари асосида ходимнинг иш устида соғлиғига шикаст етганлиги ҳамда боқувчисининг вафот этиши муносабати билан иш берувчи томонидан тўланиши лозим бўлган зарар миқдори аниқланиб, масала фуқаролик ишлари бўйича Косон тумани судида кўриб чиқилди ва ижобий ечим топди. Вакиллик тизимига кирувчи бир

нечта корхона ва ташкилотларда ишчи-хизматчи ва раҳбар ходимлар ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида 13 марта суҳбатлар ўтказилди, оммавий ахборот воситаларида 12 бор «Ҳуқуқингизни биласизми?», «Ҳуқуқини билган ютқазмайди» мавзуларида чиқиш қилиниб, долзарб саволларга жавоб берилди. Корхона ва ташкилотларда ўтган учрашувларда уч минг нафарга яқин тармоқ ишчилари иштирок этишди.

Абдурашид МУРОДОВ,
Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакиллиги ҳуқуқшуноси

Кўпчилиكنинг кўнглидаги гап



Шахримиздаги 18-сонли кўзи ожизлар махсус мактаб-интернатининг ер участкасида бирлашган кўмитамиз боғини ташкил этдик. 16 сотих чакалакзор кўмита аъзолари ва бошланғич ташкилотларимиз етакчилари томонидан бир неча кун уюштирилган ҳашар туфайли бутунлай ўзгача манзара тусини олди. 80 туп ўрик ва 40 дона сосна дарахти кўчатлари қадалди.

Шаҳардаги 22-мактаб касаба уюшма кўмитаси раиси Муҳтарам Каримова 1-синф ўқувчиларининг ота-оналари кўмагида «Синф боғи»ни ташкил этди. Дарахтлар парваршини ўқувчилар ўз зиммаларига олишди.

Шунингдек, 7, 30, 35, 40, 44-ўрта мактаблар ҳамда вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ҳам касаба уюшма боғлари ташкил этилгани қувонарли ҳолдир.

Ҳар бир хонадонда ободонлаштириш ишларига алоҳида эътиборни ошириш мақсадида жойларда бўлиб, фуқаролар билан суҳбатлар ўтказдик. А.Наввий номли, Мағзон, Отчопар, Арал маҳаллаларида кўчат экиш авжида.

Томорқасидан унумли фойдаланиб, дастурхонини бутлаётган кишилар ҳар жиҳатдан ҳурматга лойиқ. Масалан, Худойзот маҳалласида яшовчи Шавкат Уринов оиласи. Ҳовлида иккита

оила яшайди. Шавкат аканинг беш нафар фарзанди бор. Икки қизи университетни тугатган, учинчиси шартнома асосида олий ўқув юртида таҳсил оляпти. Меҳнатнинг ортидан йилига 3-4 миллион сўм даромад қилинади. «Шартнома» пулини ҳам томорқадан ишлаб топишяпти.

Шу маҳалланинг Тафаккур кўчасида яшовчи Гофур Ҳалимов Қарши Давлат университетида, у кишининг турмуш ўртоғи Сабоҳат Қўлдошева 35-мактабда дарс беришаркан. Томорқада картошка, сабзи, шолғом, қарам, турп, саримсоқпийез, исмалоқ, ҳар хил кўчатлар экилган. Сигир ҳам бор. Хуллас, меҳнат ила хонадонда ободлик.

Қарши шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Машхура Муродова ҳамкорлигида Қўрғонча маҳалласи хонадонларида бўлиб, олиб борилаётган ишлар билан танишдик. Кекса педагог Берди ота Сайфуллаев ўз боғида анор ва тут кўчатларини етиштираркан.

— Бозорга чиқариб юрмайман. Одамлар уйимга келиб

олиб кетишади, — деди отахон мамнун. — Кўчатларни плёнка остига экканман. Олти сотих жойда анорзорим бор. Ўтган йили яхшигина ҳосил олдим. Меҳнат қилган одам янада бардам бўлади. Эртаю-кеч шу томорқамда қимирлайман. Дарахтлар тагини юмшатаман, пайванд қиламан.

Бу каби мисоллар кўп. Нимасини айтасиз, Федерация V Курултойи делегатларининг мурожаати халқимизнинг кўнглидаги гап бўлди.

Жамила ТўРАҚУЛОВА,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар бирлашган кўмитаси раиси



Ўлкамизнинг ҳамма жойларида Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин бораёпти. Нафақадаги отахонлар ҳам бу ишларда бош-қош.

Суратда: Мирзачўл туманидаги Янгидала қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқолларининг боғ яратаётганини кўриб турибсиз.

Раҳимбек ШАРИФЗОДА олган сурат

Узун туман халқ таълими бўлими тасарруфида 65 та умумий ўрта таълим мактаби, 21 та мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатади. Улар ўз сафига 4860 нафар педагог ва ишчи ходимларни бирлаштирган. Мазкур таълим муассасаларининг умумий майдони 108,2 гектардан иборат бўлиб, 18,62 гектар экин экиладиган ерлардир.

Хайрли ишнинг қаноти

Ушбу таълим ўчоқларида жорий йилнинг 1 мартига қадар 3610 туп мевали, 2830 туп манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Бу юмушларни бажаришда таълим муассасаси раҳбарияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти яқиндан кўмаклашди. 4-мактаб раҳбари М.Низомов ўз ҳисобидан 60 туп хурмо, 20 туп ёнғоқ кўчати ўтказди.

3-умумий ўрта таълим мактаб маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилотининг ташаббуси билан янги боғ ташкил этилиб, 120 туп мевали, 200 туп манзарали дарахт, 60 туп атиргул кўчатлари парвариши бош-

лаб юборилди. 5-умумий ўрта таълим мактаб маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти эса ўз боғига 40 туп мевали, 120 туп манзарали кўчатлар экди.

Шунингдек, халқ таълими бўлими ҳамда туман таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитасининг саъй-ҳаракати билан халқ таълими бўлими биноси ёнида қаровсиз ётган 9 сотих ерга ишлов берилиб, «Мустақиллик боғи» ташкил этилди. Маъмурият биноси олд томонига 35 туп арча кўчатлари экилди.

Таълим муассасаси раҳбарлари ва касаба уюшма ташкилоти ходимлари нафақадаги фахрийлар ҳолидан хабар олиб, уларнинг уйларида ҳам кўчат экишдек хайрли ишларга қўл уришмоқда. Жумладан, 1-умумий ўрта таълим мактаб маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти Қундуз опа Муродованинг ҳовлисида 5 туп мевали, 3-умумий ўрта таълим мактаб маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Соҳида Фозилованинг ҳовлисида 5 туп мевали, 28-мактаб бошланғич касаба уюшма ташкилоти И. Абдусаматов, «Шухрат» ордени соҳибби Б.Тўрахоновлар ҳовлисида 5 тупдан мевали, 20 тупдан манзарали, 9-мактаб маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти Ф. Мадраҳимова, У. Йўлдошева, Р. Ҳайитқулова, Х. Икромов ва каби фахрий устозларнинг ҳовлисида шафтоли кўчатлари экилди.

З.ШЕРАЛИЕВ,
Таълим ва фан ходимлари туман бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси

Биз ҳам бир ёндан...

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти Ёшлар кенгаши мажлислари

ва раёсат йиғилишлари қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида таълим муассасаларида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш бўйича 2009-2011 йиллар учун тузилган жамоа шартномалари ва келишувларига алоҳида бандлар киритилди. Шунингдек, Тармоқ келишувларига ҳамда таълим муассасаларининг жамоа шартномаларига хавфсизлик техникаси талабларига жавоб берадиган ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш ва шу асосда ходимларни гўшт, суг, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Айниқса, Асака ва Шахрихон туманларида сезиларли ишлар амалга оширилди. Мазкур туманларнинг чекка қишлоқларида ҳам мини техно-

логиялар асосида турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бир нечта кўшма корхоналар фаолият юритмоқда.

Шахрихон тумани халқ таълими бўлимига қарашли 23-, 32-, 41-, 55- ва 63-умумтаълим мактабларининг бўш турган жойларидан унумли фойдаланиб, ерларга полиз экинлари ва бугдой экилди, бунинг натижасида мактабларда янги иш ўринлари яратилиб, кўшимча даромад топишмоқда. Асака туманидаги 3, 6, 8 ва 11-умумтаълим мактабларида эса ер майдонларини бўш ётган жойларига бугдой, картошка, сабзи ва қарам экилиб, олинган даромад мактаб педагог ходимларини ижтимоий-иқтисодий ва моддий манфаатлари учун сарфланиб, ташкил этилган буфет ва ошхо-

наларга арзон нархларда сотилмоқда.

Қорасув шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 2, 6 – умумтаълим мактабларининг бўш турган жойларидан унумли фойдаланиб, ерларга макка-жўхори экилди, буни натижада мактаблар кўшимча даромадга эга бўлишди. Олтинкўл туманидаги 4, 5 – умумтаълим мактабларида ҳам бўш ётган жойларга бугдой, картошка, сабзи ва қарам экилиб, даромад олишга эришилмоқда.

Бундай хайрли ишларни Хўжаобод, Улугнор, Балиқчи туманларида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Хўжаобод туманидаги 21-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшмаси кўмитаси ўз аъзоларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш

мақсадида мактаб ҳудудидаги 0,40 га. ер майдонида картошка, сабзи, қарам, помидор каби

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экилишида бош-қош бўлди. Шундан, 400 кг. картошка кам таъминланган, кўп болали педагог ходимлардан 8 нафарига бепул берилди. Қолган 200 кг. картошка ўқитувчи ва ходимлар учун иссиқ овқат ташкил қилишга ишлатилиб келинмоқда. Дуккакли экинлар ва помидор маҳсулотларидан қишки мавсум учун озуқа захираси яратилди. Бундан мактабнинг қуни узайтирилган гуруҳларида тарбияланаётган ўқувчиларга иссиқ овқат ташкил қилиш учун ишлатилмоқда.

Жасур МАМАРАСУЛОВ
Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Андижон вилояти Ёшлар кенгаши раиси



Ўз истиқболлини ўйлаган давлат, шубҳасиз, келажак авлод тарбиясига катта эътибор қаратади. Уларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлиб вояга етиши учун бор куч ва имкониятини ишга солади. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда ёшлар сиёсати изчиллик билан амалга оширилаётгани қувонарли ҳол. Бунда, албатта, таълим муассасаларининг ўрни ниҳоятда катта. Ана шундай масъулиятли вази-фани чуқур англаган ҳолда баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор бериб келаятган муассасалардан бири Олмазор тиббиёт коллежидир.

Қарангки, коллеж фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида бориб, байрам шодиёнаси устидан чиқиб қолдик. «Наврўз — бебаҳо қадриятимиз» деб номланган тадбирга катта тайёргарлик кўрилгани шундоқ кўриниб турарди. Ёшларнинг юз-кўзидаги байрам кайфияти бизга ҳам юқди. Бир жойда кўклар таомлари, яна бир жойда хунармандчилик намуналари ёшларнинг маҳоратидан, қадриятларимизни чуқур англашидан дарак берарди.

Шунингдек, бўлиб ўтаётган халқчил мусобақалар, айниқса, варрак учирини, чиллак ўйинлари ҳар бир инсонни беғубор болалик хотиралари сари етаклайди. Миллий лобослардаги, майда қилиб ўрилган жамалак сочли қизларнинг ўзбекона латофатини айтмайсизми? Дарҳақиқат, баҳор ёшлик ва гўзалликка менгзалиши бежиз эмас. Ҳар бир инсон ёшидан қатъий назар баҳор остонасида тетикликни, шижоатни ҳис этади. Ёшларни-ку қўяверинг, улар қалбидаги орзулар айни қанот қоқадиган пайт. Коллежда ҳам ана шундай кўтаринки руҳ кезиб юрганга гувоҳ бўлдик.

— Мақсадимиз ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш билан бирга, маданий-маърифий савиясини ва интеллектуал салоҳиятини ошириш ҳамда замон талабига мос етук мутахассисларни тайёрлаш, — деди коллеж директори Гулнора Арипова. — Муассасамизда 16 та фан кафедраси бўлиб, 166 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатади. 2010-2011 ўқув йилида ўқувчилар сони 3200 нафарни ташкил этди. Ҳар йили мингдан ортиқ ўқувчи коллежни битириб, турли тиббиёт муассасалари: касалхона, поликлиника, санаторий, дорихона ҳамда СЕСларнинг лаборатория бўлимларига ишга қабул қилинади.

Коллежда «Тиббиёт ҳамшираси», «Фармацевт ассистенти», «Тиббий лаборант» каби йўналишлар мавжуд бўлиб, ҳар бир йўналиш бўйича мутахассислик фанларидан тренинг хоналари ташкил қилинган. Кўпгина ўқув-тренинг хоналари Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги «ЖИСА» лойиҳаси томонидан берилган тиббиёт асбоблари билан жиҳозланган. Бюджетдан ташқари маблағ ва ҳомийлар ёрдами ҳам бу борада жуда кўл келмоқда.

Коллежда 186 та ўқув хонаси бўлиб, шундан 12 таси лаборатория хоналаридан иборат экан. Улар «Эл-холдинг» фирмасининг жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган. Бу ерда малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш учун инновацион технологиялар ва хорижий тилларни ўқитишга катта аҳамият бе-

рилар экан. Шу мақсадда Хорижий тиллар, Информатика ва Ахборот технологиялари фанларидан ўқув хоналар техник воситалар билан тўлиқ таъминланган, урта компьютер синфи ўқувчилар хизматида. Ўқув жараёнини яхшилаш мақсадида олий таълим муассасалари, Республика инновацион технологиялар маркази билан ҳамкорлик шартномалари асосида иш олиб борилади. Шунингдек, мутахассислар сифатини янада яхшилаш мақсадида Тошкент шаҳридаги даволаш профилактика муассасалари ва дорихоналар билан ҳамкорлик шартномалари тузилган.

Муассасанинг илмий салоҳияти юқори даражада. Ўқитувчилар томонидан республика миқёсида дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, услубий тавсияномалар ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, ўқитувчилар учун пе-

кўникмаларимизни бевосита беморлар билан мулоқотда мустақил бажарамиз, парваршиш ва даволаш жараёнида иштирок этамиз ҳамда тажрибали тиббиёт ходимлари раҳбарлигида малакамизни ошириб бораемиз.

Ўқувчиларнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши ҳамisha маъмурият эътиборида. Коллеж спорт мажмуаси волейбол, баскетбол, футбол, кўл тўпи, узоқликка сакраш майдонлари ва югуриш йўлакларидан иборат. Спорт залида жисмоний машқлар ва спорт ўйинларини ўтказиш учун барча жиҳозлар мавжуд. Бундан ташқари, тренажёр зали ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Ўқитувчи ва ўқувчиларни соғломлаштириш, ўқувчиларнинг бўш вақтини тўғри ташкил қилиш мақсадида спорт тўғрисидаги ташкил этилганга ҳам гувоҳ бўлдик. Жумладан, гимнастика, стол тенниси, футбол, шахмат, шашка, баскетбол, волейбол, кураш тўғрисидаги 1000 дан ортиқ ўқувчилар жалб қилинган. Олиб борилаётган

меросимиз ва тарихий обидаларга эътиром руҳини шакллантиришда тарихий шаҳарлардан Хоразм, Бухоро, Самарқандга сайёҳатлар, шунингдек, шаҳримиздаги Ҳазрати Имом мажмуаси, Шаҳидлар хотираси майдони, Шайх Ҳованди Тоҳур мақбараси каби диққатга сазовор масканларга ташрифлар катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Тарихдан сўзловчи кўплаб музейларга уюштирилаётган экскурсиялардан ўқувчилар таассуроти чексиз, — деди Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Нодира Даминова. — Бундан ташқари, ўқувчиларимиз республика, шаҳар ва туман миқёсида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда. Республика миқёсидаги «Барҳаёт анъаналар», «Сиз тарихни биласизми?», «Зулфияхоним қизлари», «Ёш китобхон» кўрик-танловларида ўқувчиларимиз иштироки бизни қувонтиради, албатта.

Ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, улар ўртасида турли қонунбузарликнинг олдини олиш ҳамда одам савдосига қарши курашиш чора-тадбирлари бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш долзарб аҳамиятга эга. Шу мақсадда коллеж маъмурияти ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда қатор мавзуларда учрашувлар ўтказиб келади. Ёшларни ватан ва халқни ҳимоя қилиш руҳида тарбиялашда муассасадаги «Ватанпарвар» ва «Ёш посбонлар» ташкилоти фаолияти эътиборга лойиқ. Шу ўринда таъ-

Баҳор — ёшлик, ётуқлик

дагогик ўқиш, семинар, илмий конференция ва семинар-тренинглар мунтазам ташкил қилинади. «Ёш ўқитувчилар» мактаби фаолияти ҳам таълим сифатида ижобий таъсир кўрсатаётганини таъкидлаш жоиз.

— Коллежда 20 дан ортиқ фан тўғрисидаги ўқувчиларни тиббиёт ва фан янгиликлари билан таништириб, уларнинг билим даражаси ва дунёқараши-ни кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Ҳар йили май ойида тўғрисидаги очик йиғилиши ва тўғрақ аъзолари томонидан тайёрланган кўргазмалар намойиши ташкил қилинади. Совринли ўринларни эгаллаганлар рағбатлантирилиб борилади, — дейди ўқитувчи Алишер Турсунов. — Ўқувчиларимизнинг билимини янада ошириш ва амалий ишларни мустақил равишда олиб боришига ёрдам бериш мақсадида «Иқтидорли ўқувчилар» маркази ташкил қилинган бўлиб, унга тажрибали ўқитувчилар раҳбарлик қилмоқда. У ерда илмий изланиш олиб бориш учун барча шароит яратилган.

Яна бир эътиборли жиҳати, коллежда «Уста-шоғирд» анъанаси жуда мустаҳкам экан. Жумладан, Тошкент шаҳрида жойлашган 170 та тиббий профилактика муассасалари ва дорихоналар билан ҳамкорлик шартномалари тузилган. Бундай амалий базаларнинг аксарияти кўп тармоқли клиникалар, оилавий поликлиника, юқумли, руҳий, тери ва таносил касалликлар, кўз касалликлари шифохоналари, Давлат санитария ва эпидемиология назорат марказлари, давлат ихтиёридаги ва хусусий дорихоналардир.

— Биз ушбу муассасаларда амалий дарсларда, ўқув ишлаб чиқариш амалиётида назарий фанлардан олган билимларимизни мустаҳкамлаймиз, — дейди коллеж ўқувчиси Махфуза Болтабоева. — Коллеждаги ўқув-тренинг хоналарида эса ўрганган амалий



ишларнинг самараси туман, шаҳар миқёсида ўтказилаётган спорт мусобақаларида намойиш бўлмоқда. Мисол учун, ёшлар ўртасидаги «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг барча турлари бўйича коллеж

кидлаш жоиз, ўқитувчи ва ўқувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда, маънавий-маърифий ва спорт тадбирларининг аъло даражада ўтишида коллеж касоба уюшма қўмитасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Умуман, коллежда ўқув жараёни билан бирга ўқитувчи ва ўқувчиларнинг маданий дам олишлари учун спорт ўйинлари, байрам тадбирлари, бадий кеча ва учрашувлар ўтказиш анъанага айланган. Ҳа айтганча, коллеж ўқувчилари томонидан ташкил қилинган «Ташаббускор ёшлар боғи» яна бир кўркем дам олиш маскани сифатида диққатингизни тортиши, шубҳасиз.

Ўқитувчиларнинг самимий муносабати, ўқувчиларнинг замонга хос интилиши муассасанинг катта ҳаёт йўлидаги мураббийлик мақоми нақадар улғулигидан далolat беради.

— Ҳозирги кунда ёшларга яратилган улкан имкониятларни коллежмиз мисолида яққол кўриш мумкин. Ўқиш, изланиш учун бу ерда барча шароит муҳайё. Айниқса, устозларимизнинг талабчанлиги, педагогик маҳорати келгусидаги фаолиятимизда асқотишига ишонаман, — дейди коллеж ўқувчиси Феруза Муҳиддинова.

Меҳнат кишини улғуғласа, интилиш етукликка етаклайди. Икки ҳолатнинг уйғунлиги тараққиёт аталмиш лоқомининг шиддатли одимини таъминлайди. Баҳор, Наврўз нафаси эса бу одимларга ўзгача бир янгилини, тетиклик бахш этади.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» муҳбири

ўқувчилари фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Республика ва халқаро миқёсда ўтказилган спорт ўйинларида ҳам ўқувчилар фаол. Хусусан, коллеж ўқувчиларидан Фотима Қамбарова таэквон-донинг ВТФ йўналиши бўйича, Ҳабибулла Юсуфхожаев каратэ спорт тури бўйича мусобақаларда фахрли ўринларни қўлга киритмоқда.

Ўқувчиларга аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш борасида маълумот бериш, тиббий маданиятни ошириш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаб бориш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 ноябрдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Ўсмир қизларнинг балоғат даври», «Репродуктив саломатлик». «Соғлом турмуш тарзи» каби мавзуларда тадбирлар ўтказиб келинади.


Дарвоқе, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг саломатлигини яхшилаш, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш борасида коллежнинг «Тиббиёт хонаси» алоҳида ўрин эгаллайди. У ерда барча шароитлар етарли бўлиб, тиббиёт ходимлари ва ўқувчиларнинг тиббий кўриқдан ўтишлари мунтазам назорат қилиб турилади.

— Ўқувчиларда ватанга муҳаббат, маданий



Юртимизнинг ҳар гўшасида улкан қурилишлар, бунёдкорлик ишлари авж олган кезларда водийнинг гавҳари — Наманган шаҳри ўзгача чирой очди. 2009 йил 6 августда «Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга оид дастури тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинганидан сўнг шаҳар том маънода яшариш оstonасига қадам қўйди. Вилоят марказига киришингиз билан қалбингизни ўзгача руҳ, ёшлик шижоати чулғаб олаётгандек бўлаверади.

Наманганга келар бўлсангиз...



Бир пайтлар «Намангандин кетар бўлсам...» дея фиғон чеккан девонаи Машрабнинг она юрти бугун нафақат ўз аҳолиси, балки меҳмонларининг кўнглида ҳам неча-неча умрларга татигулик гўзал таассурот қолдирмоқда. Тахририятимиз ижодий жамоасининг бу галги сафари айни шу жаннатмонанд гўшага — бобо тарих илдизларидан мангулик сувини симириб, бугуннинг нурилик иқболига пешвоз чиқаётган Наманганга бўлди.

Доно халқимизнинг истарали, самимий одамларга нисбатан ишлатадиган ажойиб лутфи бор: ўзидан олдин кўзи кулади. Шундай инсонлар ҳамроҳлигида ижодий сафар сермазмун бўлиши табиий. Ундан олганларимизни сизга ҳам илдиндик.

Даставвал Наманганда акс этган шаҳарсозликнинг ўзгача услуби эътиборимизни тортди. Кўп асрлик бой тарихга ва бетақрор маданий обидаларга эга бўлган шаҳарнинг замонавий архитектура қиёфаси ва инфратузилмаси ҳар қандай кишида ҳайрат уйғотиши табиий. Ахир, бор-йўғи беш-олти йил аввалги тор йўллар, шаҳар кўркига соя ташлаб турган тартибсиз иморатлар бугун бутунлай ўзгача қиёфа касб этган. «Барча яхшиликлар ёшларга» дея илинаётган Юртбошимизнинг

моддий ёрдам кўрсатилди. 70 нафар янги никоҳ қурган ёш оилага уй қуриши учун 56,3 млн. сўм фойсиз кредитлар берилди. Рақамлар келтиришни узоқ давом эттириш мумкин, бироқ биз учун муҳими улар эмас. Асосий мақсадимиз — фаровонликнинг бардавом бўлишига ҳисса қўшиш. Ёшларнинг моддий-маънавий рағбатлантирилишига тизимли асосда йўлга қўйиш эса фаолиятимизнинг бир қирраси. Мазкур жараёнда Ёшлар кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга молик. Яхшиси, бунга ўзингиз гувоҳ бўлинг.

Сўхбат асносида кўзланган манзилга етиб келганимизни ҳам пайқамай қолдик. Бу ерда бизни вилоят касаба уюшма ташкилотлари Ёшлар кенгашлари фаоллари кутиб олишди. Пештоқига «Ёшлар маркази» деган сўзлар битилган мухташам

«Компютер саводхонлиги», «Фотохаваскорлик» каби ўн олти йўналишдаги тўғаракларда, шунингдек, «Ёш тадбиркорлар», «Бунёдкор ёшлар» сингари клубларда ўз билимларини бойитиш, истеъдодларини намойён этиш, танлаган йўналишлари бўйича янгиликлардан ҳабардор бўлиб бориш имкониятига эга, — дейди марказ бош муҳандиси Алядин Хаиров бизни марказ фаолияти билан яқиндан таништиради экан. — 400 ўринли томоша, 50 ўринли конференция заллари маданий, маънавий-маърифий тадбирлар, киносеанслар ўтказишга, яна бир зал халқ бадийи хунармандчилиги, амалий санъати, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик асарлари кўргазмаларини намойиш этишга мўлжалланган. Марказнинг замонавий кўриниши, мукаммал муҳандислик ечими мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Вило-

камлаш мақсадида ташкил этилган. Нофаол ёшларимизни уюштириб ватан равнақи учун хизмат қиладиган, муносиб фарзанд бўлиб ўз йўлларини топишда кўмаклашиш ҳам клуб фаолияти доирасига киради. Олти йўналиш бўйича иш олиб борамиз. Аъзоларимиз ҳам Ватан равнақига ҳисса қўшишни мақсад қилган ташаббускор ёшлар.

Марказнинг кўргазмалар зали аксарият ҳамроҳларимизнинг ҳайратига сабаб бўлди, дейиш мумкин. Зал тўртини «Хунарманд» уюшмаси томонидан тўхфа этилган ўймакор эшик ва сўри безаб турибди. Деворларга турли жанрдаги ранг-тасвир асарлари илинган. Кулолчилик ва ҳайкалтарошлик ишлари ҳам вилоятнинг санъат усталарига бойлигига ишорадек. Энг эътиборлиси, асарлар муаллифларининг аксарияти истиқлол билан тенгдош ёшлар.

гаши ташаббуси билан қишлоқ хўжалик корхоналаридаги ўқувчиларнинг назарий билимлари МТПларда амалиётда мустаҳкамлашиши йўлга қўйилди. Энди ўқувчилар учун МТПлар қошида кўп йиллик тажрибага эга ишчилар томонидан амалиёт дарслари ўтилади ҳамда «Уста-шогирд» анъанасини йўлга қўйган ҳолда малакаси оширилади.

Касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида «Замонавий фермер хўжалигининг намунавий структураси» ишлаб чиқилган ва тақдимоти ўтказилган. Мазкур структурага биноан, фаолият кўрсатаётган барча йўналишдаги фермер хўжаликларига 1 нафардан 8 нафаргача лавозим киритиш мўлжалланган бўлиб, бу намунавий структуранинг амалиётга жорий қилиниши натижада туманда 2500 дан ортиқ иш ўринлари яратиш мумкин бўлди.

Дилшод ДЕҲҚОНОВ, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгаши Ёшлар кенгаши раиси:


— Ёшлар кенгаши касаба уюшмасининг энг ташаббускор, фидойи ва изланувчан бўғими бўлишига интилиши лозим.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар кенгашининг III мажлисида билдирилган таклифлар юзасидан таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти кенгаши Ёшлар кенгаши томонидан Поп туманидаги 37-умтаълим ўрта мактабда мавжуд 0,7 га бўш ер майдонига «Ёшлар кенгаши боғи» ва «Ёшлар хиёбони» ташкил қилинган. У ерга 300 та мевали ва 50 туп манзарали кўчат экилиб, гулзорлар ташкил қилинди.

Ёш хунарманд, тадбиркор ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Фурумсарой кулолчилиги мактаби давомчиси, «Ташаббус — 2009» республика кўрик-танлови «Энг яхши хунарманд» йўналиши ғолиби, Фурумсарой иқтисодиёт касб-хунар коллежи ўқитувчиси Ваҳобжон Буваев бошчилигида кулолчилик цехи ташкил қилинган, 2011 йилдан ушбу цехда гул туваклари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган.

2011 йилда 30 нафар ёш спортчи аёл ва қизлар Андижон ёшлар марказига, 120 нафар ёш ўқитувчилар, талаба-ўқувчилар, касаба уюшма фаолларидан 60 нафари Фарғона, Марғилон, Қўқон шаҳарларига саёхатга олиб борилган.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири



бунёдкорлик йўлидаги ташаббуслари шаҳарни ободонлаштириш жараёнида яққол акс этди.

Сарёғдек раво йўллардан марказ томон илгарилар эканми, маҳорат билан бунёд этилган коллеж, академик лицей, университет, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг кўркам иморатлари кўнглимизга ўзгача гуруҳ бахш этгандек бўлди. Булар шунчаки иншоот эмас, эртаимиз эгаларини тарбиялаётган, яратиш иштиёқига қалбини лиммо-лим этгаётган, қолаверса, уларни иш билан таъминлаётган муқаддас даргоҳлардир.

— Вилоятимизда ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши учун етарли шароит яратилган. Бу жараёнда касаба уюшмалари ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётир, — дейди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари Бирлашмаси раиси Пайзулла Паязов. — Ўтган йил натижаларига эътибор қаратсам ҳам, бу борадаги ишлар салмоғи яққол кўзга ташланади. Хусусан, олий ўқув юрларида таҳсил олаётган чин етим ва кам таъминланган оилалар фарзандларининг 106 нафарига иш берувчилар ҳисобидан контракт пулларининг бир қисми учун 39,3 млн. сўм ажратилди. 4275 нафар кам таъминланган ёш оилалар вакилларига касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 77,9 млн. сўм миқдоридан

саройга бирлашма раиси шундай таъриф беради:

— Бу ер вилоятнинг энг фаол ёшлари тўпланадиган, уларнинг эзгу ғоялари, ташаббуслари чархланадиган, бахсларда товланадиган макон. Истиқлол ёшларга тенгсиз шароитларни яратиб берганлиги учунгина эмас, мустақил фикрини билдира олиш, уни муҳокама этиш эркини тўхфа этганлиги учун ҳам қадрлидек, назаримда. Вилоятимиз ёшлари «Баркамол авлод йили»да мана шундай мухташам саройдан фойдаланиш бахтига муяссар бўлди.

Дарҳақиқат, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида қуриб, фойдаланишга топширилган «Ёшлар маркази» юртимизда ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг яна бир кўринишидир. Шаҳар кўркига кўрк қўшиб турган бу мухташам саройда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, жисмоний чиниқлишларига кўмаклашиш, касб-хунар ўрганишлари учун барча шароит муҳайё этилган.

— Бу ерда ёшлар «Архитектура ва дизайн», «Баҳс ва мунозара», «Уста ва шогирд», «Хорижий тиллар», «Ёш журналистлар», «Миллий чолғу асбоблари», «Ижтимоий лойиҳалар»,

ятимиздаги нуфузли тадбирларнинг айнан бизнинг залларимизда ўтказилаётганлиги эса ёшларимизга ўзгача масъулият, гуруҳ бағишламоқда.

Тўғараклар фаолияти билан қизиқиб, зинадан кўтариламан. Рассомчилик тўғараги раҳбари Абдурасул Ибрагимов навбатдаги гуруҳга ижод сирларини ўргатиш билан банд.

— Ўрганувчилар орасида биринчи синфдан тортиб коллеж ўқувчиларигача бор, — дейди у саволимизга жавобан. — Расм чизиш техникасини ўргатишдан ташқари, озми-кўпми кулолчиликка қизиқиши бор болажонларга ҳам устозлик қилмоқдаман. Уларнинг санъатга қизиқиши жуда кучли, иқтидорларнинг кўплиги эса мени тинимсиз изланишга ўндайди. Қолаверса, бу ердаги жамоанинг ёшлиги, ғайрат-шижоати ижод кишисига таъсир этмай қолмайди.

Навбатдаги сўхбатдошимиз — Насрулло Иноятов. У Марказдаги «Фидойи ёшлар» клубининг бош координатори.

— «Фидойи ёшлар» клуби ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ва иқтисодий кўникмаларини шакллантириш, ақл-заковатлари, куч-ғайратларини тўла намойён этишлари учун қўлай шароитлар яратиш ҳамда улар ўртасидаги аҳиллик ва жамоавий уюшқоқликни мустаҳ-



Эзгулик излаган одам

У қирлар бағрида жойлашган Каттакуба қишлоғида туғилиб вояга етди. Мактабга борди. Тенгдошлари билан кўй-кўзи боқди. Ўшанда бепоён кенгликлар, осмонда учаётган қушлар, дашт шамоллари, баҳорий манзаралар кўнглига ёқимли ҳисларни олиб келган бўлса, не ажаб?!

Кунларнинг бирида у ошналари Даврон ва Шавкатда антиқа, сеҳрли овоз чиқарадиган созни кўрди. Дўстлари рубобни бири қўйиб, бири чалар, унинг ҳаваси келарди. Болакай рубобга мафтун бўлди. Ошналаридан илтимос қилиб, созни чашиб кўрди. Уч кунда «Андижон полкаси»ни ўрганиб олди.

Бешинчи синфга ўтгач, домла Улашов тузган мактаб бадий ҳаваскорлар тўғарагига ёзилди. Отасига ялиниб рубобли бўлди. Унинг ширали овози бор эди. Туманда

ўтказилган ижрочилар танловида фахрли биринчи ўринни олди. Ўшанда Абсоат «Гилос пишганда» ашуласини айтган эди.

Сездирмасдан ойлар, йиллар ўтди. Мактабни аъло баҳолаб тугатган йигит яқинларининг тавсияси билан Қарши педагогика билан юртига ўқишга кирди. Аммо, унинг кўнглидан оҳанглар кетмади, қадрдон рубоби ҳамроҳи бўлиб қолаверди. Ўқишни битириб, мактабга эмас, тўғри туман маданият уйига келди.

Ўша йилларда Қамашидеги «Бўстон» ансамблининг довуғи баланд эди. Гуруҳ аъзолари қўшни туманларга, вилоятларга ижодий сафар қилишар, ойлаб гастролда бўлишарди. Айниқса, «Қашқадарё кўпкариси» рақс-ўйинининг овозаси олисларга кетганди.

дув-дув гап» фолклор жамоаларини тузишда ёрдам кўрсатдим. Булар билан вилоят ва республика танловларида фахрли ўринларни қўлга киритдик. Сўнг Тошкент Маданият олийгоҳида ишдан ажралмаган ҳолда таҳсил олдим. Туманда ўтадиган оммавий-сиёсий, умумхалқ тадбирларига махсус сценарийлар ёзиб, уларнинг режиссурасини ташкил қилдим. Меҳнатларим туфайли «Клуб аълочиси» унвони билан тақдирландим.

Ҳаёт экан... Санчиқул қишлоғидан бўлган Хушбоқ бобонинг Ойшаҳар отли ёлғиз қизи ҳофизнинг оромини ўғирлади. Абсоат юрагидаги дардини маҳбубасига қўшиқ билан, куй билан изҳор этди. Қиз ҳам ўтли юракнинг садоларига самимий муҳаббат билан жавоб қайтарди. Тўй ҳам бўлди. Биринкетин фарзандлар дунёга келди. Бунинг баробарида

тир. Овоз кучайтиргич, фонограмма деганлари билан умрида бир қатор шеърни ёд билмаганлар давраларнинг, базмларнинг «гули»га айланди. Ахир машойхлар бекорга «Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, дейишмаган», деб оиласига маслаҳат солди. Аммо Ойшаҳар опа ҳам, қизлари ҳам норози бўлишди. Тўнғичи Гулнора озгина аччиқлиб:

— Сиз бизга унақа тарбия бермагансиз-ку? — деди.

Абсоат охири ўзининг гапидан уялиб кетди, аёли ва фарзандлари қалбидаги гўзалликка, эзгуликка бўлган ишонч ва эҳтиромни кўриб, кўнгли фахрга тўлди.

— Абсоат ака билимдон маданият тарғиботчиси, — дейди маҳалладоши Саида Раҳимова. — Ўзи истиқомат қиладиган «Самарқанд» маҳалласи раиси бўлиб ишлаган кезлар обрў-этибор қозонди. Унинг ташаббуси билан маҳалладаги кам таъминланган оила болаларидан 8 нафарининг суннат тўйи ва 13 нафарининг никоҳ тўйи ўтказилди.

Бугунги кунда Қамаш туман Маданият уйи директори бўлиб ишлаётган Абсоат Тўраев аёли Ойшаҳар опа билан саккиз нафар фарзандни вояга етказди, уларнинг ўн уч нафар севиқли набираси бор.

Вақтни тизгинлаб бўлмас экан. Кечагина олис қирлар орасидаги овлоқ қишлоқда вояга етиб, кўнглига санъаткор бўлишдек орзуларни жойлаган болакай бугун олтимаш ёшга кирди.

Абсоат ака деворга осиглик турган рубобини қўлига оларкан, юраги ажабтовур ҳисларга тўлди, чор-атрофга бахт ва муҳаббатни тараннум этувчи куй таралди...

Ўролбой ҚОБИЛ,
Қамаш тумани

рўзгорнинг, турмушнинг залворли юки ҳам оғирлашиб бораверди.

...Кунларнинг бирида бойваччалардан бири Абсоатни чақириб деди:

— Ука, бу юришда биринг икки бўлмайди, биласанми, энди одамларга сенинг қўшигинг, томошангнинг қизиғи йўқ, яхшиси, менинг янги дўқонимни олиб, иш бошла. Бир йилда ўзингни ўнглаб оласан.

Абсоат ўйланиб қолди. «Кўплар ўзини бозорга урди, биров дўқон қурди, биров киракаш бўлди, яна кимдир гулдек ҳунарини, касбини ташлаб, мўмай даромад кетидан қувди. Ҳашаматли уйлар, данғиллама тўйлар кўпайди. Кечагина унга шогирд бўлиб юрган ашулачилар «Нексия» ларда ёнидан физиллаб ўтиб кетишаё-

— Бу даргоҳда раҳматли Исмат Раҳматов ва Иброҳим Аҳмедов каби санъатнинг асл фидойилари ишларди, — дейди Абсоат Тўраев. — Ака-ука Исомиддин ва Раҳматхон Азимов каби мумтоз ашулаларнинг моҳир ижрочилари ҳам бор эди. Ансамблимиз республикада биринчилардан бўлиб ашула ва рақс дастаси мақомини олиб, қўшни республикалар, ҳатто Италия ва бошқа хорижий давлатларга ижодий сафар қилди. Бир неча бор «Марҳабо, талантлар», «Зеҳн», «Чашма» деб ном олган телевизион кўриктанловларда қатнашиб, ғолиб бўлди.

Ёшлар санъатга ҳавасманд эди, уларга яқиндан ёрдам бериб «Ёшлик», «Мингбарг», «Зиё» сингари эстрада, «Маҳаллада

унинг ўз маҳалласи билан қай даражада фахрланишига ишонч ҳосил қилдик.

— Маҳалламиз эски шаҳарнинг қоқ ўртасида жойлашган бўлиб, бизда миллий анъаналаримизга эътибор жуда кучли, — дейди Муфараҳ опа. — Бу ерда турли касб эгаларининг юрт манфаати йўлида сиққидилдан меҳнат қиладиганини кўришингиз мумкин. Маҳаллада тўй-томоша бўлса, кўрпа-ёстиқ дейсизми, келин-куёвлар учун чопон дейсизми, ҳаммаси ўзимиздан чиқади. Кувонарлиси, тадбиркорлик билан шуғулланиб, элга манфаат келтираётган аёлларимиз ҳам талайгина. Мисол учун, хусусий тадбиркор Шоиста Агзамбекова кам

таъминланган инсонларни моддий ёрдам билан қўллаб-қувватласа, тикувчи Сайёрахон Арипова қиз-жувонларга тикишбичиш сирларини бепул ўргатиб, уларни иш билан таъминлашга ёрдам бермоқда.

— Яна шуни мамнуният билан айтиш керакки, уч ой ичида 17 нафар аёлни маҳалла тавсияси билан ишга жойлаштиришга муваффақ бўлдик, икки нафарини иккинчи мутахассислик бўйича ўқитдик, — дея суҳбатга қўшилди маҳалла фуқаро-

лар йиғини раиси Бахтиёр ака Исманов. — Маҳалламизда яраштириш ҳайъатининг фаолияти натижасида 6 та оила сақлаб қолинди. Бу ҳам аслида маҳалламизнинг ўз номига муносиб бўлишга интилишидан далолатдир.

«Natipa» маҳалласига бир келинг, ўзингиз ҳам бунга гувоҳ бўласиз.

Назира БОЙМУРОВА,
Муаллиф олган сурат

«Natipa»га бир келиб кетинг


«Маҳалла нуфузини кўтариш, нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу — сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир».

Ҳақиқатан ҳам, маҳалла ватанинг бир бўлагидир. Тошкент шаҳар Олмасор туманидаги «Natipa» маҳалласида бўлган одам юқорида айтиб ўтилган масалаларнинг намунали йўлга қўйилганига гувоҳ бўлиши мумкин.

Аслини олганда ҳам қарияларни қадрлаш, кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга мурувват кўрсатиш, ёшларнинг бошини қовуштириб уларни аҳил-иноқ яшашга ундаш каби анъанавий қадриятлар, аввало, маҳаллада шаклланади. «Natipa» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муфараҳ Содиқова ҳам маҳалла ободлиги ва тинчлиги йўлида фидойилик билан фаолият олиб бораётган юртдошларимиздан ҳисобланади. Бу тиниб-тинчимас онахонни маҳаллада бўлиб ўтаётган Наврўз байрамида учратиб,



Карам инсонга табиат томонидан инъом этилган шифобахш сабзавотлардан биридир. Уни хомлигича, шунингдек, турли таомлар билан биргаликда салат тарзида, тузланган ҳолатида истеъмол қилиш мумкин. Умуман, карам ва ундан тайёрланган салатларни истеъмол қилиш қондаги холестерин миқдорини камайтириб, атеросклероз, семириш, ёғли гепатоз ва қариш жараёнларини секинлаштиради.



Карамнинг хосияти

Барги таркибида қанд, туз, оксил моддалар, турли хил витаминлар, органик кислоталар мавжуд. Карамнинг 88-94 фоизини сув ташкил этади.

Маълумки, инсон организмда модда алмашинувининг бузилиши натижасида ҳар хил кераксиз моддаларнинг тўпланиб қолиш ҳолатлари кузатилади. Организмни ана шу ёт моддалардан муҳофаза этиш ва тозалашда карамнинг ўрни бекиёс.

Бунинг учун карамга қатор сабзавот ва кўкатлар қўшиб доривор малҳам тайёрланади. Яъни бунда бир бош карамга учта турп, битта саримсоқ, икки бош пиёз, бир килограмм сабзи, иккита лавлаги олиниб, қирғичдан ўтказилади. Тайёр бўлган аралашма кўкатлар, зирворлар билан аралаштирилган ҳолда банкага солиниб, устидан дистилланган сув куйиб, етти кун сақлаб қўйилади. Сўнгра ҳосил бўлган аралашма овқатдан олдин истеъмол қилинса, у организмни кераксиз хиллардан тозалайди.

Карам воситасида кўплаб пархез таомлар тайёрлаш мумкин. Зеро, пархез таомларнинг таъсири давомли, дори-дармонларнинг таъсири эса ўткинчидир. Бинобарин, карам пархез таомлар учун энг яхши масаллик бўлиб хизмат қилади.

Карамнинг барги янчилик, куюқ суртма қилиб боғланса, ҳар қандай иссиқ шиш, шилликли ўсмалар, сарик ва эшакеми касалликларини даволашда қўл келади. Шири қайнатмаси кунжут билан қўшиб, томоқ чайқалса, оғриқни қолдиради. Чайналган карамнинг суви бўғилган овозни очади. Илдининг кули организмда пайдо бўлган тошни майдалайди. Янги карам барглари майдаланиб, тухум сариғи билан аралаштирилиб, иллатли яраларга, организмнинг куйган жойига қўйилса, уларнинг эт олиб тузалиши тезлашади.

Умуман, карам, шунингдек, табиатнинг бошқа неъматлари танзимиз учун кони шифодир.

Нурмамат ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Тошкент тиббиёт академияси
Урганч филиали неврология
кафедраси доценти

Ақлга таянинг, адаштирамайди

ёхуд ўзимизни ҳимоялашга оид маслаҳатлар



Ҳаётнинг шундай қонуниятлари борки, уларга амал қилсак зиён-заҳматсиз, беҳавотир яшаймиз. Дейлик, дўкандан кийим-кечак ва анчагина озиқ-овқат харид қилдик. Аммо, уларнинг сифати ва сақланиш муддатига аҳамият беришни унутдик. Оқибатда ўзимиз зарар кўрамиз.

Ахир сотиб олган кийим-кечакларимиз синтетик матодан тикилган бўлса, албатта ёмон-да! Чунки, улар кийганимизда баданга ҳаво ўтказмайди, теримиз яхши «нафас» ололмайди. Касаллик қўзғатувчи инфекцияларни айтмайсизми?!

«Е» ҳарфининг сирлари

Хориждан келтирилган аксарият озиқ-овқат маҳсулотлари қадоқланган идишларда «Е» ҳарфи ва бир неча рақамли белги учрайди. Хўш, бу белгилар нимани аңлатади, ҳеч қизиқиб кўрганмисиз?

Одатда, хорижнинг йирик озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи компаниялари ва уларнинг филиаллари айнан битта маҳсулотнинг уч хил тоифасини сотувга чиқаради. Яъни, биринчиси, ички бозорда сотиш учун сифатли, иккинчиси, ривожланган давлатларга экспорт қилиш учун, учинчиси, ривожланаётган давлатларга сотиш учун паст сифатли, таркибида инсон соғлиғига зарарли консервантлар қўшилган маҳсулотлардир. Ана шу зарарли консервантлар «Е» ҳарфи ва уч хонали сон билан белгиланади. Сиз уларни харид қилаётганда мана шу ҳарф ва рақамларга эътибор қилинг.

Масалан, Е 102 - хавфли, Е 105 - тақиқланган, Е 111- тақиқланган, Е 124 - хавфли, Е 127 - хавфли, Е 125 - ўта хавфли маъноларини билдиради. Шунингдек, Е 106, Е 120, Е 125, Е 183 ҳарф ва рақамлари ҳам тақиқланган маъносини беради.

Бундан ташқари, уларнинг айримлари организмда касаллик келиб чиқишига сабабчи бўлади. Масалан, Е 221 - овқат ҳазм қилиш фаолиятини издан чиқаради, Е 230 - терига салбий таъсир кўрсатади, Е 250 - гипертонияда истеъмол қилиш мумкин эмас, Е 320 - таркибида холестерин кўп, Е 340 ва Е 453 ҳарф ва рақамлари эса ейилган овқатнинг ичакларга сўрилишини ёмонлаштиради деганидир.

Санаб ўтилган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишдан сақланинг, акс ҳолда, саломатлигингизни хавф остида қолдирган бўласиз.



Таом... Қай даражада фойдали?

Олдига қўйганни емоқ нодоннинг иши. Истеъмол қилинаётган овқат нафақат танага қувват беради, балки мия яхши ишлаши учун ҳам зарур. Маълумки, мияга зарур кислородни асосан овқат моддалари етказиб берилади. Шу сабабли мияга оқиб борадиган қонда барча зарур моддалар етарли бўлиши керак. Бу моддаларнинг оз ёки кўплиги эса биз истеъмол қилаётган таомларнинг таркиби ва сифатига боғлиқ.

Унутмангки, баъзи таомлар аралаштириб ейилганда, бир-бирининг ҳазм бўлишига халақит беради. Масалан, тухум билан ширинликни қўшиб еганда шундай ҳолат рўй беради. Танага оғир сингадиган овқатлар (палов, манти, лағмон, сомса сингарилар) га кўкатлар ва мева-чеваларни қўшиб истеъмол қилсангиз, уларнинг ҳазм бўлиши яхшиланади.

Дўконидаги куруқ (қадоқланган) овқатлар аксар ҳолларда ошқозон-ичак фаолиятини бузади. Уларни сотиб олаётганда сифати ва сақланиш муддатига аҳамият беринг. Чунки кўп туриб қолган маҳсулотлар саломатлигингизга зиён етказиши мумкин.

Шуни ҳам ёдда тутингки, одам ақлий меҳнат билан қанчалик кўп шуғулланса ёки асабийлашса, асаб ҳужайраларидан иборат марказлар шунчалик кўп кислород ва озиқ моддаларни талаб этади. Буларни етказиб бериш учун аввало сифатли ва витаминли таом истеъмол қилинг, кейин эса кислородга бой бўлган соф ҳаводан нафас олишни йўлга қўйинг, яъни, табиат қўйнида пиёда сайр қилинг.

Хатар таҳдид солмасин



Айтилик, қаттиқ шамол кўтарилиб, том устидаги шифер парчаси пастга учиб тушди. Бу тасодифий ҳолатдан дарҳол ўзингизни ҳимоялайсиз. Лекин шундай хатарлар борки, кундалик турмушда унга ўзимиз бемалол йўл қўйиб берамиз. Оқибатда соғлигимиз хавф остида қолади.

Хуллас, маслаҳатларимиз шундай. Автомобилга ёқилғи қўйиш шохобчаларига 1-5 метр яқин жойдаги ҳавода бензол миқдори жуда юқоридир. Бензолнинг оқ қон касаллигини келтириб чиқариши исботланган. Шундай экан, машинангизга ёқилғи қуяётганда

Ётоқхона деразасининг зич ёпилиши натижасида уй ҳавосида буғ миқдори ошади. Бу эса пўпанак замбуруғлар (уларнинг 3 мингдан ошиқ тури бор) кўпайишига олиб келади. Демак, деразаларни ҳар куни очиб, хонадаги ҳавони шамоллатиб турсангиз, аллергия сизга мутлақо хавф солмайди.

Кучли қуёш нури ёки қаттиқ шамол энг аввал кўз шиллик пардаларини зарарлантиради. Натижада, кўз ўз-ўзидан ёшланадиган бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам ҳимоя кўзойнаги тақиб юринг.

ҳамиша унинг эшик-ойналарини маҳкам ёпинг.

Гўшт, тухум ва сут маҳсулотлар... Агар ота-оналар болаларини бу озуклардан маҳрум этишса, уларнинг соғлигини катта хатарга қўйган бўлади. Бу ҳолатда В12 витамини етишмаслиги оқибатида камқонлик юзага келиши мумкин.

Бундан ташқари, жамоат жойларида фойдаланиладиган буюмларни ушлаганингиздан кейин албатта уйга келгач, қўлларингизни совунли сувда ювишни унутманг. Хуллас, эътиборли бўлинг, шунда соғлигингизга зиён етмайди.

Наимахон НИШОНОВА,
1-Республика тиббиёт
коллежининг
«Тадбиркорлик ва бизнес
асослари» фани ўқитувчиси

Абдулла САИДОВ



Кишин-ёзин ям-яшил либосга бурканиб турадиган Бахмал тоғлари бағридаги Арчасой дарасини макон қилган кўнғир айиқлар шароитга мослашувчанлиги билан бошқа жониворлардан ажралиб туради.

Бакувват, танаси улкан, кенг панжали бу бахайбат мавжудотни чалғитиб бўлмайди.

Бурни таъсирчан, ҳамма нарсани ҳид билиш орқали аниқлайди. Бошқа айиқларнинг дарахт танасига ишқаланишидан пайдо бўлган ҳиддан тўданинг қаердалиги, ҳид эгасининг ёши ва жинсини билиш айнан уларга хос. Бу эса ўз навбатида, худудни белгилаб олиш ва низо келиб чиқмаслигини таъминлайди.

ЎҶ

Кунлар исиб, тоғ чўққиларидаги қорлар эрий бошлаганидан кейин дарёда сув кўпайиб, теварак-атрофда жонланиш юз беради. Эндигина қиш уйқусидан уйғонган она айиқ ҳаддан ташқари оч бўлишига қарамай, болаларига ўта ғамхўр ва меҳрибон. У тоза ва шаффоф дарё суви кўпайишидан хурсанд, негаки, егулик ҳам мўл бўлади. Бироқ шуни айтиш керакки, полвончаларининг улғайиши учун узоқ давом этадиган оғир дамлар ҳам айнан шу вақтдан бошланади.

Курбон ўтинчи тоғдан қуриган дарахт шохларини уловига ортиб уйига қайтаркан, йўлда айиқ боласини учратиб, тезда уни хуржунига жойлади. Ховлисига келгач, хориганига қарамай, фарзандини севинтириш мақсадида мурғак жониворга симтўрдан чоққина жой ҳам ҳозирлади. Болакай ўзида йўқ хурсанд бўлди. Аммо иссиқ ва тўйимли она сутидан бебахра бўлган айиқча сергўшт суяк ва нон бўлақларига эътибор бермади. Жонивор ҳовли шароитига кўниқолмай, кечаси билан гингшиб чиқди.

Кутилмаганда болаларидан бирининг ғойиб бўлиши она айиқни безовта қилиб қўйди. Салгина ҳид, зўрға эшитилган товуш ва шарпалардан сергак тортадиган бўлиб қолди. Афтидан, айиқчанинг уловда олиб кетилганини илғадими, тун зулматида боласининг исини олиб, узоқ йўл юриб, тоққа туташ қишлоққа яқин борди. Қишлоқ ичкари-сидаги йўлда учраган одамлар уловини ғажиб нобуд қилган она айиқ наъраси атрофга тараларди. Айиқчанинг тутқунлиқдаги жойи номаълум бўлгани учун махлуқ қишлоқдан нари кетмасди. Одамлар оқшомлари эшик ҳатлаб ташқарига чиқа олмас, юрак ҳовучлаб хатарда яшаб келишарди. Лекин хавф-хатар бу билан тугамади. Унинг кунда-кунора қабристон

худудини ўйдим-чуқур қилиши, пайҳонлаб зиён етказиши барчани ўйлантириб қўйди. Ёвуз йиртқичнинг бунчалик тажовузкорлигини маҳаллий аҳоли шу вақтгача кўрмаган эди-да!

Бундай кўнгилсизликлардан хабар тогган нарвонлик моҳир мерган Мурод амаки қуроли ва ов анжомларини олиб, ёрдамга шошилди. Бахайбат махлуқни қўлга олиш хавфли экани ва кўп муаммолар келтириб чиқариши мумкинлиги унга аён эди. Тажрибали овчининг айиқни кўриши ҳам шарт эмас. Шунинг учун теварак-атрофни кузатаркан, унга кўп нарса ойдинлашди. Одатда айиқчалар бир неча йил оналари қармоғида бўлишади. Шу боис, овчи хонадонларнинг бирида айиқчанинг тутқунлиқда сақланиб келинаётганлигини тахмин қилди. Қишлоқ одамлари бундан беҳабар эдилар.

Мурод амаки шундай мулоҳазалар билан қишлоқ чеккасидаги пешайвонли уйга яқинлашганида қулоғига мурғак жониворнинг гингшигани чалинди. Кейин беш-олти одим юрмасидан бостирмадаги симтўрдан ясалган қафасдаги айиқ боласига кўзи тушди. Мурғак жониворнинг жунлари хурпайиб, қовурғалари кўриниб турарди.

Курбон ўтинчи маҳалла фалларини кўриб, шошиб қолди. Қишлоқда рўй бераётган нохушликларда ўзини айбдор ҳис этиб, хижолатдан қандай қутулишни билмасди. У номаълум йиртқичнинг тунда уловини мажақлаб, оғир жароҳатлаб кетганлигидан нолиди.

Оқсоқол кўрсатмасидан сўнг ўтинчи айиқ боласини тоққа элтиб қўйди.

Бу воқеадан сўнг, қишлоқда ҳаёт аввалгидай осойишта давом эта бошлади. Уч-тўрт одам йиғилган жойда эса, албатта, ёвуз махлуқ ҳақида гап кетар ва ундан қутулганидан хурсанд бўлишиб, ҳар хил миш-мишлар тарқатишарди. Шу-шу дарғазаб она айиқ қишлоққа бошқа йўламади.

Қанотли Ҷимоячиларимиз

Тунда ҳаёт кечирувчи митти кўршапалакларнинг узунқулоқ, малла ва мўйдор турлари мавжуд бўлиб, улар танасидаги қуюқ сарғиш жуни, панжаларидаги узун тирноғи ва устарадек ўткир тишлари билан ҳайратланарлидир. Бу ғалати жониворларнинг кўзи кундузи ҳам, кечаси ҳам ёмон кўради, лекин эшитиши фавқулодда яхши ривожланган.

Нурота тоғ тизмалари бўйлаб янада юқорига кўтариларканмиз, Қўйтош кончилар шаҳарчаси атрофида маъданлари қазиб олинган карьерлар ўрнида эндиликда бир неча ғорлар вужудга келганига гувоҳ бўлдик. Уларни макон қилган узунқулоқ кўршапалак ҳамда япалоқ қушларнинг бир қанча турлари бизни кўпдан қизиқтириб келгани учун пешиндан сўнг тор ва кичик туйнук орқали ғорга тушишни режалаштирдик. Маълумки, кўршапалаклар эхолакация, яъни ултратовуш тўлқинлари ёрдамида самода мўлжал олиб, товуш тўлқинларини таратишади. Эшитиш органи яхши ривожланганлиги учун учган вақтида ана шу тўлқинлар худди акс-садо сингари нарсани ва жисмлардан қайтиб, уларга мўлжал олиш учун имкон беради. Бундай товуш тебранишлари бизга сезилмайди, албатта.

Қуёш уфққа бош қўйгач, гуруҳимиз аъзолари елкаларига юк халта осганича фонар ва машъалаларни ёқиб, ғор ичкарига оҳиста ўрлай бошлашди. Пастак йўлнинг биринчи бурилишидан ўтганимиздан кейин питирлаган товушлар эшитилди ва кутилмаганда, бошимиз узра кўршапалаклар бирин-кетин учиб чиқа бошлади. Мен уларнинг қанот қоқиши, беўхшов чийиллаши ва нафас олишидан қаерда жойлашганини билиб олмоқчи бўлдим. Бироздан кейин ғор ичи бутунлай зимистон бўлиб, тун билан куннинг фарқи сезилмай қолди. Нафасимни ростлаб олгач, фонар ёруғида ғор гумбазини кузатишга киришдим. Бу вақтда кўршапалакларнинг кўпчилиги туйнукдан учиб чиқиб кетишга улгурганди.

Кўршапалакларнинг бир қисми эса ғор шифтининг баланд ва қўл етмайдиган жойларига осилганича кенг қанотларини ростлаб, учишга ҳозирланиб туришарди. Уларни соатлаб кузатсангиз ҳам зерикмайсиз. Бу жониворлар қиш бўйи танасида тўпланган ёғ захираси ҳисобига яшаб, энди аста-секин гимиллашга тушиб қолишганди. Уйқуси зийраклигидан қанотларини тез-тез қоқиб қўйишади. Ғор шифтида уларнинг ғуж-ғуж бўлиб осилиб туришидан худди сеҳрлангандек жойимиздан қимирламай қолдик. Аммо ёқимсиз қўланса ҳид кўнглимизни беҳузур қилди. Атрофда суварак ва капалаклар ҳам беҳисоб. Қоронги ертўла бу антика жониворлар учун яшаш жойи ҳисобланиб, юқоридан тушган чиқиндилар билан озикланишаркан. Улар бундай шароитда қандай яшашади, ақлингга сизгидролмайсиз, киши.

Гуруҳимиз аъзолари ичкари томон одимлагани сайин ғор саҳни тобора кенгайиб борарди. Беихтиёр деворлардаги жимжимадор безак ва шаклларга кўзимиз тушади. Улар ерос-

ти қазилма бойликлари қолдиқларидан ҳосил бўлган деган тўхтама келдик. Айрим йўлақлар худди қувурдек номаълум томонга чўзилиб кетган. Баъзан тор, энсиз ёриқлардан сиқилиб ўтишимизга тўғри келди. Сирпанчиқ, ўткир ва қиррали харсанглардан ўтаётганда суруниб кетиш ҳеч гап эмас. Эҳтиётсизлик ва биргина нотўғри қадам ҳам нохуш кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин.


Саёҳатимизнинг иккинчи куни кўршапалакларнинг яшаш тарзи ҳамда тахминий сонини аниқлашдан иборат бўлди. Бунинг учун ғор оғзига яқинроқ бўлган жойга ўрнашиб олдик. Бу чаққон қўлқанотли кўршапалаклар кўп сонли ва еб тўймас бўлгани учун самода чарх ураркан ер сатҳига яқинроқ учиб, ҳашаротларни тутиб ейишар, озуқа тополмаганлари эса йўналишини ўзгартириб, узоқ-узоқларга, кенг ва бепоён қир-адирларга ошиқшарди. Улар асосан боғ ва экинларга зиён етказадиган тунги капалаклар билан озикланишади. Шунингдек, пашша, чигиртка, ниначи, кўнғиз кабиларни ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Кези келганда гул нектарларидан ҳам баҳраманд бўлишади. Йирикроқ ўлжа тутганлари бошпанисига қайтиб, ғор шифтига осилганича озуқасини танавул қилади.

Саёҳатимиз давомида маълум вақт ўтиб, йиғилиб қолган кўршапалаклар ахлатларидан маҳаллий аҳоли ўғит сифатида фойдаланиб келаётганидан ҳам хабардор бўлдик. Фосфор ва азотга бой бўлган бу чиқиндилар экин ҳосилдорлигини оширишида бебаҳо экан.

Ёз ойлари бу узунқулоқ кўршапалакларнинг ови жуда қисқа давом этганлигидан тонг ёришар-ёришмай ўз бошпаналарига қайтишади.

Бу ғаройиб мавжудотларни баланд қоя ёнлари, харсанг тошлар

оралиғи, ёриқлар ва дарахтзорларда ҳам осилиб турган ҳолда учрадик. Қисқаси, бу қанотли ҳашаротхўрлар қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиklarининг кўплаб зараркунандаларини йўқ қилиб, иқтисодиёт учун катта фойда келтиришига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.



Яна бир оппоқ тонг ёришиб келаётир. Дарчадан тушаётган ойдинликдан кўзлари қамашган келинчак секингина ўрнидан турди. Деразага яқин келиб, кечагина янгалари илиб кетган барқут пардани хиёл кўтарди. Ташқари бироз ғира-шира. Кечагина мусиқа садолари гумбирлаган ҳовлида сукунат ҳукмрон. Бироз бесаранжомлик, бир четга тахланиб қўйилган стол-стуллар, йиғиб улгурилмаган гиламларгина бу уйда бўлиб ўтган тантаналардан хабар берарди. Нотаниш муҳит, бегона одамлар, бошқа шаҳар, ўз туғилиб ўсган хонадонингдан узоқда яшаш, хуллас, шу каби хаёллар келинчакнинг этини жимирлатиб юборди. Беихтиёр хўрсинди. Оху кўзларидан ёмғир томчилади.



«Ўзимнинг ошмэжоним!»

Насиба ана шу «бегона»ларга меҳр қўйди. Сидқидилдан хизматини қилди. Ширин сўзи, муҳаббатини аямади. Ярим кўнгли шу ерда тўла бошлади. Қайнонаси бирам дилкаш аёлки, Насиба айрим пайтларда унинг бағрига бошини қўйгиси келади, лекин ҳис-туйғуларини ошкор қилишга ийманади. Туйғуларни ошкор қилиш у ёқда турсин, келин бўлиб тушганига бир йил бўлса-да, хануз қайнонасини «ойижон» деёлмайди. Ҳар гал шу муқаддас сўзни айтишга тўғри келганда, томоғига нимадир тикилади. Хўжайини ҳам баъзан Насибанинг «онангиз» деган сўзидан қовғини бироз уяди-ю, индамайди. Қайнсинглиси бир-икки марта пичинг қилди ҳам. Бир гал «Қишлоқдан келганингизга борасиз-да, қайнонага бундай пахта қўйишни ҳам билмайсиз, кеннойижон. Шаҳарлик келинчаклардан ўргансангиз бўлмайдингизми?», деди. Насиба қўшни келинларнинг дарровгина «ойижон» дейишга кўникиб кетганларини кўриб ҳавас қилади. Айниқса, «ойижон ундай дедилар, ойижон бундай дедилар, дея бидирлайдиган Каримага ҳайрон қолади. «Ойижон» дейди-ю, қайнонасини ёмон кўришини яшириб ҳам ўтирмайди. Ҳатто гап талашганини айтган вақтда ҳам «ойижонни бопладим», дейди. Насиба бўлса, қайнонасини яхши кўради, лекин...

Айниқса, қайнонасининг «гап»ида хунук воқеа юз берди. Супир-сидир, пишир-куйдир қилди. Дастурхонни алоҳида эътибор, дид билан беазади. Келиннинг пазандалиги, меҳнатсеварлиги, ширинсуханлиги, дилбарлиги, жамики хизматини дугоналар ҳам алқабалқаб қўйишарди. Қайнонаси гапга киришиб кетдимми, иккинчи овқатни сузар вақтида ҳеч меҳмонларнинг олдидан чиқармади. Иссиқ чой баҳонасида Насиба кириб бир-икки имласа ҳам сезмади. Нима қилишини билмай қолган келин эшикдан бошини секин тикиб, «Қараворасизми?», деди. Меҳмонлар ялт этиб Насибага қарашди, эгаси йўқ бу гап кимга нисбатан айтилганини тушу-

ниб этиб улгурмаган аёллар бир-бирларига маъноли қарашди. Шунда Ойхон хола секингина ўрнидан жилиб, меҳмонларга қарата гап бошлади:

— Ҳа, энди нима қилай, отам қўйган Ойхон отим, «Қараворасизми?» бўлган, айланайлар. Қараворай-чи, нима гап экан?!

Юзи анордек қизарган Насиба югургудек бўлиб ошхонага чиқиб кетди. Орқасидан келган қайнонаси келинга бир чимирди-да, «уятларга ўлдирасан одамни» дегандек бошини сараклади. Иккинчи овқатни қандай сузиш кераклигини айтиб, орқасига қайтди.

Ичкаридаги аёллар қайнона-келин муносабатларини муҳокама қилишарди.

— Вой ўлмасам, бир йил ўтса-да, ҳали «ойи» демаскан, тавба. Бу нимаси, менсимагани-да, ўргилай.

— Ойхон ҳам кўнгиладан, индамаганини қара, мен бўлсам, калишини тўғрилаб қўярдим.

— Тили бурроғина-ку, «она» дейишга айланмагани қизик.

— Ўғли қаттиқроқ турса бўлмасмикан. Онасини она деган хотин хотинми?

Дугоналарининг муҳокама-сини эшик олдидан эшитган Ойхон хола киришга бироз тарддуланиб қолди. Ҳаҳ, Насибаси тушмагур-а. Энди бу гап-сотарларга нима дейди-я. Ўзини бироз босиб олгач, эшикни очибок гап бошлади:

— Барака топгур, келиним жуда одобли, ақл-фаросатли, пазанда. Бироқ ҳеч «она» дейишга ўрганолмади. Шунинг учун уни жазолашим шартмасдир, дейман. Майли, «ҳей» деса ҳам хурмат қилсин. «ойижон» деб сиригини дунёга сочган, кетингдан ёмонлаб юрадиган куйдирги келинлардан Худо асрасин.

— Ҳа, айланай, тўғри айтасиз, — деди дугоналарнинг каттаси, бир гаприб ўн кулади-

ган Қаршигул хола вазиятни юмшатиш баҳонасида. — Келин олгандан кейин исми-миз ҳам ўзгараверар экан. Бир кампир касал бўлиб дўхтирга борибди. Ҳамшира ундан «Хола, исми-миз нима?», деб сўрабди. Шунда кампир «Ушлаб тур», деб жавоб берибди. Кампирнинг гапига тушунмаган ҳамшира яна «Холажон, исми-шарифингизни айтинг, деяпман, рўйхатга ёзиб қўйишим керак», дебди. Шунда кампир: «Болама, неваралар кўпайгандан бери келинларнинг бири қўйиб бири «Ушлаб тур» деявергандан кейин исми-миз шу-да, отам қўйгани аллақачон эсимдан чиқиб кетган», деган экан.

Қаршигул холанинг хангомасидан кўтарилган кулги вазиятни юмшатгандек бўлди.

Қайнонасининг хижолатомуз айтган гаплари кулоғига чалиниб, хонага киролмай турган Насибага Қаршигул холанинг аскияси бироз далда берди. Юзи лавлагидек қизариб, иккинчи овқатни берди-ю, дарровгина ортига қайтди.

Ўз уйига кирган Насиба секингина кўзгу олди-да борди. Кун сайин каттараётган қорнига қўлини қўйди. «Жон болам, сен тезроқ туғилсанг-у, уларни сен баҳона «Энажониси» дердим, шу «Ойижон»дан қутилармидим. Нима қилай ахир, «она» деган сўзни шу ёшга кириб бирон марта айтмаган бўлсам, айтолмасам?! Ўзимнинг онажонимни қақриш насиб қилмаган бўлса, қандай «она» дейман?

Насиба туни билан безовта бўлиб чиқди. Кеч келган, чарчаган хўжайинини безовта қилмаслик учун оғриқ кучайганда, секингина ташқарига чиқади. Ҳовлида юргач, оғриқ босилгандай бўлади. Хонага кириб бироз чўзилса, яна оғриқ пайдо бўлади. Хотинининг безовталигидан Анвар ҳам уйғониб

кетди.

— Дўхтирга оборайми? — деди у хотинининг аҳволини кўриб.

— Йўқ, ҳали вақт бор, — деди Насиба базўр.

— Уф, ойимнинг ҳам шу бугун синглисини кўргиси келиб қолганини қара, уйда бўлиб турсалар бўлмасмиди? — деди Анвар.

— Салима холанинг мазаси йўқ экан, кўриб келаман, дегандилар. Бир-икки кун ёнида бўламан, дегандилар.

Насиба энди ўрнига ёнбошлади, деганча дард зўрайди. Юзи буришиб белини кўтаришга қийналиб борарди. Бу ҳолга чидолмаган Анвар қўшни кирақашни айтишга чиқиб кетди.

Насибанинг Худога айтгани бор экан, касалхонага келишганидан кейин бир соат ўтмай энгиллашиб олди. Ёнидаги қаравотчада ётган пахлавондек ўғилчасига қараб кулимсираб қўйди.

Туғруқ яхши ўтгани боис уни дарровгина палатага чиқаришди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ҳамшира елим халта кўтариб келиб қолди. «Насиба ким? Сизга келишибди, туролсангиз, ойнадан қарашингиз мумкин».

Насиба хўжайини келганини гумон қилиб, елим халтани очди. Иссиқ нарса қўлига урилди. Бир литрли банкада тим сариқ аталани кўриб, ҳайратланди. Қопқоғини очганиди, сариёғнинг ёқимли иси димоғига урилди. Қорни очганини ҳис қилди. Халтадаги бошқа нарсалар ҳам тартиб билан терилган эди. Опаларимдан бирови келдимикан, деб ўйлади Насиба. Йўғ-е, йўл олиску!

Насиба деразанинг ёнига келиб, пастга қаради. Тез-тез юрганиданми ёки ҳавонинг иссиқлигиданми ҳарсиллаб

нафас олаётгани билиниб турган қайнонаси қўлини пешонасига қўйиб, ҳар бир ойнага қараб чиқаётганиди. Насибанинг юраги гурсиллаб кетди. Меҳрми, қувончми, соғинчми, хуллас, тушуниксиз бир туйғу қалбини жимирлатиб юборди. Охуниқидек хуркак кўзларидан тўй эртасининг тонгидек ёмғир думалади. Ҳамон қўлини соябон қилиб келинини ахтараётган қайнонаси кўзига фариштадек кўринди. Деразани бир тавақасини секингина очиб бошини чиқарди.

— Ассалому алайкум.

— Вой, жоним болам, эсон-омон қутулиб олдингми? Мен ўлгурни қара, шундай куни ҳам қидираманми? Қийналмадингми, болам? Иссиққина атала опкелдим. Ичвол, қувват бўлади. Ўзингни эҳтиёт қил. Полвон болам ҳам яхшими? Ҳаво иссиқ дема, белингни боғлаб ол. Вой, эсим курсин, — қайнонаси шошиб-пишиб бошидаги шол рўмолини ечди, — манавини киргизиб юбораман, белингни маҳкам боғлаб ол.

Энди Насибанинг кўзидан ёмғир жалага айланиб юзини юва бошлади. Қизалоқлардек қайнонасининг тиззасига бошини қўйишни шунчалар истадики, ёш она бу меҳрга ташна қалбнинг истагини зўр-базўр энгди. Аслидаям, Насиба уни яхши кўрарди. Ҳозир эса мана шу жонсарак, бир сўзли, меҳрини ҳам, қаҳрини ҳам яширмайдиган аёлни жуда-жуда яхши кўришини чуқурроқ ҳис қилди. Селоб бўлган ёноқларини қафти билан сидириб пичирлади:

— Ойи, ойижон. Ойижоним, хўп бўлади, ўзимнинг ойижонгинам. Ҳаммасини айтганингиздек қиламан.

Дилфуза АБДУЛЛАЕВА

Эски шаҳарнинг яқин орада бузилиши керак бўлган бир маҳалласига тор кўчадан кирилади. Кўчадан юз қадамча юриб, ўнг томондаги йўлакчага кирсангиз, қор-ёмғирдан ювилавериб асл рангини йўқотган кўҳна эшикка дуч келасиз. Пештоқидаги сири кўчган 19 рақамли тунука парчаси ва аллақачон яроқсиз ҳолга келган почта қутиси эшикнинг шум қисмати-га шерик. Бўсагадан бошланган гиштин йўлак олма дарахтини ўртада қолдириб, иккига ажралади. Бир ҳовлининг ўнг томонидаги катакдай икки хонадан иборат уй — Мусо чолни-кига, иккинчиси рўпарадаги тарихи пухта, бинойидек айвони ҳам бор уч хонали уйга олиб боради. Бу уйда олтмишларни қоралаб қолган кампир — Роҳат хола туради.

У қизини эрга бергандан бери ёлғиз. Сирасини айтганда, кўп қаватли уйни унинг жини суймас, бироқ ёлғизлик даров жонидан ўтганди. Қизи бир амаллаб эрини кўндириб, тез орада онасини кўчириб кетишга қарор қилган, аммо неча йилдирки, Роҳат хола ўша кунни интизорлик билан кутарди. У ҳувиллаган уйда ҳеч ким беҳабар ўлиб-негиб қолишдан қўрқарди. Ҳовлининг чол турадиган ўнг қисмида жойлашган уйчада Олапар лақабли ит ҳам яшайди.

Яқин ўртада супурги юзини кўрмаган ҳовлида уч нарса қариялар учун умий эди. Булар: олмадан икки қадам наридаги қиш бўйи гирдини муз қоплаб, ёзда жилдираб оқувчи кран, баъзан кампир жаврай-жаврай

тозалаб қўядиган ҳожатхона ва ниҳоят, уларнинг Олапарга бўлган меҳри эди. Чолнинг тақдири ҳам кампирни-кига ўхшаш эди. Унинг ҳам бир ўғли бўлиб, ишхонасидан жой олган кунийёқ бадар кетганди. Кампирнинг қизи ўқтин-ўқтин гоҳ ўзи, гоҳ кўёви билан келиб, унинг ҳолидан хабар олиб туради. Чолнинг ўғли уч йилдан буён заводда ишлар, отаси тўғрисида баъзи гапларни эшитгандан бери ўзгариб қолганди. Гўё онасининг бевақт ўлимига у сабабчи бўлганмиш. Отаси ичкиликка муккасидан кетиб, ўғлига эътибор қаратмади. Шу-шу, ота-бола бир-биридан ажралиб кетди.

Олапар урғочи эди. Аммо сарғимтир, унда-бунда оқ-қора бўлган уни анча важохатли кўрсатарди. Умрида бирор марта бўйнига занжир тушмаганди. Баъзан кечкурунлари кўринмай қолар, буни емишнинг ёмонлигига йўйиб бўлмас, Мусо чол уни сира овқатдан сиқиб қўймаган, ҳатто, итни деб тушликни уйга келиб қиларди. Мусо чол баъзан кечкурунлари хуноби ошиб, ўзини ёлғиз қолдириб кетган Олапарни қарғарди ҳам. Умрбод ўзиники қилиб олмоқчи бўлибми, бир-икки бор эшик ёнидаги тешикни ичкаридан беркитиб қўйди.

Мусо чол кўчадан маст бўлиб

келган кунлари остонада ўтириб олиб, Олапарни кучоқлаб, йиғи аралаш айтган гапларини кампир кўп эшитган.

— Олапарим, Олапаргинам, — дерди у. — Ароқни чиқарганга раҳмат... Онадан асли шўр пешона бўлиб туғилган эканман. Хотиним эрта ўлиб кетди. Ўғлимнинг аҳволи бу... Келганда ҳам ундан нима фойда? Гапларимни ақалли сенчалик эшитмайди. Унга жонининг тинчи керак...

Чол яна алланималарни гўлдиранича Олапарни силаб-сийпаб узоқ ўтирарди. Шундай кезларда унинг қизғиш юзларини тарам-тарам ажин босиб кетар, озгин оёқларидаги кўм-кўк, у ер-бу еридаги тугун, бўртиқ томирларига титрарди. Кампир бундай кунларда эшикни маҳкам ёпиб олганча уйга кўмилиб оларди. Чол сўнгги вақтларда, айниқса, ичкиликка ружу қўйганди.

фи бор эди. — Кела солиб кўрсатган нағмасини қаранг. Бу ердан ўзимни йўқотсанг ҳам итимни йўқотолмайсан!..

— Бўпти, — деди асаби қайнаб Ҳаким. — Бўлмаса, боғлаб қўйинг! Ҳамма ёқни ифлос қилиб ташлайди.

Чол бир оз юмшагандай бўлди.

— Занжирга ўрганмаган, ўлиб қолиши мумкин. Ўзи яхши ит...

— Яхши бўлса сиз учун яхши. — Ҳаким зарда билан уйга кирди-да, дарс қилиб ўтирган укасига халақит бериб гўдранди:

— Ёмон кўрганам ит боққан одам эди. Бу ранги гўрдай чолга гап уқдириб бўлмайди шекилли. Аслида, ҳовлининг плани бўйича чол турган уй ҳам илгари кампирга тегишли бўлган. Чол бир вақтлар ўзи турган уйнигина сотиб олган. Демак, ҳовли бизники. Эртага яшигу

динг, бугун ҳовлидаги ҳаво камлик қилаётгандай девор қурибсан. Олапаргинамни кўчага ҳайдабсан. Э, сендақа ҳақини таниган ўқимишлидан...

— Ҳаммаси қонуний, — деди чолнинг овозини эшитиб, уйдан чиққан Ҳаким. Кейин қўлидаги хужжатларни чолга кўрсатмоқчи бўлди. — Итин-гизни боғланг, дедим, боғламдингиз.

— Ҳали ўғлим келсин, бари-га жавоб берасан. Ит сенга нима ёмонлик қилди? У касалга ўхшаяпти, уни ургансан...

— То итни бир ёқли қилма-гунингизча девор тураверади. Ғиди-биди қилсангиз, маҳалла кўмитасига чиқаман. — Гапни чўрт кесди Ҳаким.

Чол ҳам Ҳакимни бутунлай ёмон кўриб қолди. Деворни ўзи бузиб ташламоқчи бўлди, маҳалла кўмитаси орага тушиб,

Ҳакимнинг ёнини олди. Олапарга занжирда туриш шарт билан рухсат беришди. Чол ноилож итни боғлаб қўйди. Икки-уч кун ичида Олапар кўникиб қолди. У на овқатга қарарди, на чолга эркаланарди. Бир кун чол ишга кетар чоғ унинг олдида анча ўтирди, ўз дарди ҳам униқидан кам эмаслигини айтиб гапгин уйга ботди.

— Озодликни яхши кўришингни биламан. Сени бу аҳволда кўриш менга ҳам оғир, нима қилай, осмон йироқ, ер қаттиқ! Тақдир экан!.. Қариганимизда бу кўргулик ҳам пешонамизда бор экан, — деди-да, ейилмай қолган кечки овқатлар ёнига бир талай янгиларидан қўйиб, жўнади. Туш пайти хабар олгани келса, ит овқатига тегмаган, мудраганча хо-

муш ётарди. Чол ҳам тушлик қилмади. Олапарни занжирдан бўшатиб, доктор излаб кетди.

Олапар бир амаллаб оёққа турди. Аъзойи бадани муздай совияганини сезиб турарди. Олапар, чол шошиб очиқ қолдирган эшикдан ҳовлининг иккинчи томонига ўтди-да, орқа оёқларида аранг чўнқайиб ўтирди. Бир вақт эшик хунук гичирлаб очилди. Ҳаким ҳовлига кириб келди. У олма дарахтига яқин келган эди ҳамки, Олапар бор кучини тўлаб, унга отилди. Тили калимага келмай қолган Ҳакимнинг кўкрагидан босиб йиқитди. Лекин истагига етишолмади — тишлай олмади, кўзи тиниб, боши айланди, вужуди латтадай бўшади.

Ҳаким ўзига келгач, сўкина-сўкина кутурган итларни отиб кетадиган ташкилотга телефон қилди. Иккита милтиқли киши, чол ва зоветеринар бир вақтда ҳовлига кирди.

Нохуш манзарадан ҳамма юзини четга бурди. Олапар катак ёнида ўлиб ётар, кўзлари очиқ қолганди. Унинг ёнида янги туғилган тўртта-бешта кучуквачча ҳам бор, уларнинг тирик ё ўлик эканини билиб бўлмасди...

Чол Ҳакимга ташланди. Бошқалар уни ушлаб қолгач, юрагини чангаллади...

АДҲАМ ДАМИН



Олапар

ҲИКОЯ

Ҳаммаси тўсатдан юз берди. Кузақда кампир ниятига етди. Уйини сотиб, қизиникига кўчди. Уйни бу йил ўқишни битириб, шаҳарда ишлаб қолган Ҳаким исмли йигит сотиб олганди. Ёнида бу йил ўқишга кирган укаси ҳам бор эди.

— Бунча ифлос бу ҳовли? — деди у уй кўргани келган кунийёқ бурнини жийириб. — Одам борга ўхшамайди!

Олапар уларга яқин келиб ҳура бошлади. Ҳаким унга тош отди. Тумшугига тош тегиб, газабидан ташланмоқчи бўлиб турганида, остонада Мусо чол кўринди.

— Олапар, Олапар! Ёт, ёт, булар энди кўшнимиз.

— Ит бор ерда тозалик бўладими, — ичкарида укасига гапирарди Ҳаким. — Ўлгудай ваҳший экан. Уни дарров йўқотиш керак. Мен бунга чидолмайман.

— Чол кўнармикан? У итини жуда яхши кўради, шекилли.

— Яхшиликча айтиб кўраман. Кўнмаса, шунга қараб иш қиламиз.

Шу кунданоқ ит Ҳакимни, у итни ёмон кўриб қолди. Эртасига Ҳаким укаси билан ҳамма ёқни тартибга келтиргач, итни йўқотиш тўғрисида чолга гап очди.

— Мингта бедаводан менга мана шу ит азиз, — тутюқди чол. Бугун ҳам унинг озроқ қай-

тахталардан бошлаб девор ола-миз. Икки қадам жой қолдирсак, ити билан бемалол сиғади.

Ҳаким айтганини қилди. Ишлаётганларида катагидан чиқиб қолган Олапарни таёқ билан чунонам урдик, бечора анча вақт гингшиб ётгач, илинж билан ташқарига мўралади. Ҳаким яна унга қараб ташланган эди, ит кўчага қочиб чиқмоқчи бўлди. Авваллари бемалол сиғадиган тешикка қаппайиб қолган қорни қисилиб қолди. Ортидан етиб келган Ҳаким унинг қорнига тепди. Ит кўча эшиги олдида гингшиганча чолни кутиб ётди...

Ниҳоят, чол келди. Ҳар гал чолни кўрди дегунча Олапар югуриб бориб, унинг қўлидаги овқат солинган идишни ҳидлар эди. Аммо бугун ундай қилмади... Чол етиб келгач, ўрнидан базўр кўзгалди-да, бошини унинг оёқларига суйкади. Чол итга бир нарса бўлганини пайқайди.

Олапар унга гўё арз-дод қилаётгандай кўзларини мўлтиратиб қараб турарди. Чол эшикка кўз ташлади. Ит кириб чиқадиган тешикка тахта урилганди. Фигони чиқиб ҳовлига кирди. Ҳовли тахта девор билан ажратилган, уникага ўтиш учун шу деворга эшик ўрнатилган эди...

— Шунча йил яшаб одам боласининг бунақа бемаънилигини энди кўришим, — деди у ҳовлини бошига кўтариб. — Кеча итин-гни йўқот, деб айюҳаннос солув-

ҲАЁТИЙ ҲАНГОМАЛАР



Хотин мактабда анатомиядан дарс беради. Ёзда, таъмирлаш керак бўлиб, хоналаридаги ҳамма ашёларни уйга олиб чиқибди. Уйнинг бурчагига одамнинг скелетини тикка қилиб, биров кўрқиб юрмасин, деб устига рўмолини ташлаб қўйибди. Мен булардан беҳабар, кечга томон, андаккина ширакайф уйга келиб, диванга ўтириб мундай қарасам, хотин худди келинчалардай бошига рўмолларни ёпиб, бурчакда турибди-да.

— Ҳов, бу нима қилиқ? Ё келинлигинг эсинга тушиб кетдимми? Бу ёққа кел! — дедим.

«Хотин» жим тураверди.

— Қулогинг том битганми? — жаҳлим чиқа бошлади.

Яна жавоб бўлмади. Зарда билан ўрнимдан туриб, «хотин»нинг рўмолини шартта тортдим. Қарасам, скелет! Қимирлаб кетиб, жағларини «шақ-шақ-шақ» этказиб турибди. Унга бир зум термулиб туриб:

— Ўлсанг ҳам жагинг тинмас экан-да, хотин! — дедим.

Феълим тескари: «Кулма!» дейишса, қотиб-қотиб кулгим келади. «Ҳотиннинг!» деган хитобдан кейин гапираверсам, гапираверсам.

Қайнотамиз тўқсон йил яшаб, камига яна олти ой кўрпа-тўшак қилиб ётиб бердилар. Ниҳоят... «Ёмонга ўлим йўқ», деган мақолнинг ёлғонлиги исботланди.

Бошга дўппини қўндириб, тўнларни кийиб, йиғлашга чоғланиб, кириб бордик. Қани энди йиғи келса. Дам ўтмай хотин қайнсинглимиздан «нома» жўнатди: «Йиғламасангиз ҳам, йиғлагандай бўлиб туринг!» Хех! Кўчада аскияни қотиришиб, ичкарида «йиғлагандай бўлиб турган» божаларимга қараб қайтанга кулгим келди.

Қайнонам четга тортди:

— Ҳов, куёв, отангиз озиб-ёзиб бир марта ўлиб қолибди, бу нима-си? Маҳалланинг олдида мени шарманда қилмоқчимисиз, йиғланг!

Кўз деганлари машинанинг бен-

зин насосига ўхшаган нарса бўлса экан, босиб-босиб, «качка» қилиб юборсанг, тизиллаб ёш оқса.

Улфатим Райим паранг кўшни томон имлади. Одамларнинг кўзини шамғалат қилиб, ортидан эргашдим.

— Бандалик, энди, бандалик, — деди у «оппоқ ойм»ни кўйнидан чиқариб, пиёлаларга қуяркан. — Қайнотанг зўр одам экан-вей, шу қайнонанга яқин етмиш йил чидади-я! «Қахрамон эр» деган унвон берворсаям кам унга. Ма, ол, ҳамдардликимни қабул қиласан!

Ичувчининг кўнгли нозик бўлади. Ўзи ичмай, қўли қалтирамай узатдим, олмасанг, етти ой ётвилиб ёқалашади. Қайнотамиз хурмати, «якши бўлсин» демасдан ичвордим.

— Энди сенга оқ йўл, ичкарига марш! — деди Райим паранг «оппоқ ойм»ни шимининг ичига тикаркан.

«Дўстингман!» деган одам дўстми? «Дўстингман!» деб миннат қилиб турибди-ю? Мана бунақа оғир кунингга қўллаган одам — дўст. Мулларайимжонбойнинг бу меҳрибончилигидан кўнглим бузилиб кетдим, ё ароқнинг бир боқиб зор ташлаб кетгани таъсир қилдимми, билмадим, бир йиғи келди, бир йиғи келди!.. Қани энди, қайнонам «ғинг» деб кўрсин-чи!

Пулни хотинга бердинг нимаю, почта кутисига ташладинг нима? Икковиям бир гўр: қайтариб олиб бўлмайди. Томоқ тақиллайди, ош-

қозон шақиллайди, бирорта тишга босгудай баҳона топилмайди.

«Ният қилсанг келар Шому Ироқдин», деганларидай шунинг устига Тошкентдан шоир Шошқин келиб турибди-да.

— Меҳмоннинг иззатини жойига қўйиб жўнатишимиз шарт! — деб баралла дўқ урдим шалвираб турган чўнтагимга.

Чўнтак оғзини катта очиб, лабини бурди. Ноилож Шошқиннинг ўзидан илтимос қилдим:

— Бизи уйга кириб чиққин, ука. Опанга: «Сиддиқ акам ичволиб, мелисаларнинг қўлига тушиб қолди. Ўн минг бермасангиз, машинасига қўшиб, ўзиниям олиб кетишаркан», дейсан. Сени танимайди, пул беради.

— Таниб қолса-чи? — деди шоир чайналиб.

— Э, бизи хотин Умар Хайёмни танимайди-ю, сени танирмиди! — дедим жаҳлим чиқиб.

Ёлғон-яшиқ сўзлар билан авраб, уйга киритиб юбордим. Ярим соатда пулни олиб чиқиб турибди-да, ноқдай қилиб. «Баттар бўл, хотин!» деб роса тортдик. Оргганини шоирнинг чўнтагига зўрлаб тиқиб қўйдим: ижодкорларни қўллаб-қувватлаб туришимиз керак-да! Икки кундан кейин «Сиддиқ ака палон қилган», деб ёзиб юборса, тарих бўлиб турибмиз-ку!

САИД АНВАР

Болалар учун шеърлар

Хўрозқандга

Кимлигинг эсдан чиқиб,
Тақлид қилдинг шакарга.
Чўпчага ёпиштириб,
Жўнатишди шаҳарга.

Ҳамма сенга ишқивоз,
Зумда кетдинг таланиб.
Қалайсан энди, хўроз,
Юрибсанми яланиб?!

Паршионхотир рассом

Роса келди аламим,
Қайда қолди қаламим?
Боягина кўргандим,
Кўз олдимда турганди.

Миямга урди дарров:
Опкетдимикан биров?
Келганда дўстим Орзу,
Ўғрилаганмикан у?...
Кириб расм солганди,
Балки, синглим олгандир?!

Ё сичқон тортиб кетди...
Эҳ, каллам қотиб кетди.

Шундай ушласам бошим,
Кулгудан чиқди ёшим.

Асаб бўлганда таранг,
Қаламимни қидириб,
Қуйган эканман, қаранг,
Қалпоғимга қистириб.

Худойберди КОМИЛОВ,
Ургут тумани

Рассом хандаси



Гадой аразласа, тўрвасига зиён. Одатда гадой ўз номи билан гадой. У аразламайди. Берганингизга шукур деб, дуо қилиб, йўлида давом этади. Бироқ ҳамонки, шундай мақол бор экан, гадойлар ҳам аразлаб, ноз, хархаша қилишар экан. Бу ўринда у ўзига, бола-чақасига зарар қилади. Тўрвасига зиён келтиради. Тўрваси тўлмай, оёғидан қариб, саргардон кезаверади.

Кўчма маъноси. Мутеъ, тобе одам устидан ҳоким, ўктам одамнинг киноя билан кулиши, масхара қилишидан иборат. Йирик амалдор атрофида гирдиқапа-лак, ўз хушомадгўйи, лаганбардори устидан шундай кулиб, бу иборани қўллайди. Ота ҳимматига қониқмаган, ношукур фарзандга, меросга кўзи тўймаган қариндош-уруғ, бола-чақаларга нисбатан ҳам бу нақл ишлатиб келинади.

Гап кўп, кўмир оз.

Маза-матрас и з, таъсирсиз, ҳеч қандай самарасиз гап бўлиб турганда мана шу ибора қўлланади. Афтидан, темирчи-қосиблар дастгоҳи ёнида яратилган ибора

Теша тегмаган иборалар

бўлса керак. Кўмир йўқлиги, босқоннинг ишламаслиги, демакки, фойдали меҳнатнинг тўхтаб, темирчининг қўли бўш қолишига сабаб бўлади. Тагин бир маъноси: бу гапларда ўт, олов, тафт йўқ, кам деган мазмун ташийдди. Фойдасиз гаплардан энса қотганда, ишончсизлик туғилганда

одамлар одатда шундай дейишади. Муқобили: «кўп гап, эшакка юк».


Қулогидан кун кўриниб қопти. Мутуйиба ибора. Янги уйланган йигит чилладан, чимилдикдан чиққан кунлари ўртоқлари, катталар ҳазиллашиб шу иборани қўллайдилар. Бу билан: «ў-ҳў, фалончининг роса кучи-қуввати кетиб, озиб-тўзиб, ҳатто қулогидан кун кўриниб қопти-я», деган ҳазил масхара, ҳавас ва хайрихоҳлик билдирилади.

Иккинчи маъносиде ҳақиқатан ҳам, оғир ҳасталикка дучор бўлган, озиб-тўзиб кетган шахсга нисбатан орқаворотдан бу ибора ишлатилади.

Маҳмуд САТТОРнинг «Ўзбекнинг гапи қизиқ» китобидан олинди.



Рассом: Хусан СОДИҚОВ



Рассом: Шавкат МУЗАФФАР

«Осиё чемпионлар лигаси – 2011»



Осиё чемпионлар лигасининг «С» гуруҳида иштирок этаётган мамлакатимиз чемпиони – Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси учинчи тур учрашувида ўз майдонида Эрон кубоги соҳиби «Пирузи» жамоаси билан куч синашди.

Имконият хали бор

Ҳар икки жамоа ҳам нуфузли мусобақанинг дастлабки икки учрашувида бир очкодан жамғаргани туфайли учинчи турда фақат галаба учун тўп сурди. Аммо уч-

рашувда ҳисоб очилмади. Осиё чемпионлар лигасида жорий мавсумдаги уч ўйиндан сўнг икки очко жамғарган «Бунёдкор» футболчилари чорак финал йўлланмаси учун ку-

рашни давом эттирмоқда. Энди Миржалол Қосимов шогирдлари 20 апрел кунини тўртинчи турда Эронда «Пирузи» жамоаси меҳмони бўлади.

Осиё чемпионлар лигасида иштирок этаётган иккинчи жамоамиз «Пахтакор» Эроннинг «Истиклол» жамоасига қарши майдонга тушди. Вакилларимиз биринчи бўлиб гол уришган бўлса-да, галабани ушлаб қолишнинг уйдасидан чиқа олишмади. «Пахтакор»нинг анча ёшарган таркиби аввалги учрашувларга нисбатан бирмунча мазмунлироқ ўйин кўрсатди. Бироқ тажрибали, вазиятлардан унумли фойдалана олган эронликлар яқунда 4:2 ҳисобида зафар қучишди. Гуруҳда оз бўлса-да имконият сақлаб қолган жамоамиз жавоб учрашувида «Истиклол»ни ўз майдонида қабул қилади.

Ўз мухбиримиз

Ғолибалар

Тўмариснинг муносиб издошлари

Косон туманининг Гувалак қишлоғида туғилиб ўсган Соҳиба Эштемирова ўн ёшидан бошлаб спортнинг самбо, миллий кураш, дзю-до турлари билан шуғулланиб келмоқда. Оддий қишлоқ қизи бугунги кунга келиб доврқли спортчига айланди.

Илк бор, 2006 йил Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида биринчи ўринни эгаллаган Соҳибанинг маҳорати ошиб, ютуқлари кўпая борди.

— 2007 йилнинг 1-5 июн кунлари Тошкент шаҳридаги «ЖАР» спорт мажмуасида самбо бўйича жаҳон юлдузлари фестивалида 75 кг. вазнда иккинчи ўрин соҳибаси бўлдим, — дейди С.Эштемирова биз билан суҳбатда. — Шу йили дзю-до бўйича 1988-1984 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Чирчиқ шаҳрида ўтказилган республика биринчилигида 1-ўринни қўлга киритиб, Қарши Давлат университетига имтиёзли равишда қабул қилиндим.

Спортнинг назарий асосларини пухта эгаллаган Соҳибанинг ютуқлари янада кўпаймоқда. 2008 йилнинг 5-9 октябрида Тошкент шаҳрида самбо бўйича Осиё чемпионатида, 2009 йили Тожикистондаги турнирда, Грециядаги жаҳон чемпионатида фахрли ўринларни эгаллади.

Қашқадарё вилоятининг Косон туманида вояга етган Динара Донаева саккиз ёшидан бошлаб спортнинг дзю-до, самбо, миллий кураш турлари билан шуғулланиб, мамлакат биринчиликларида фахрли ўринларни қўлга кирита бошлаган. 2007 йилда Қарши Давлат Университетига имтиёзли равишда қабул қилинди. Дорилфунунни муваффақиятли тугаллади, аммо спортни тарк этгани йўқ.

Қишлоқ қизининг ютуқларидан дил қувонади. 2007 йилнинг апрел ойида Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб аёллар ўртасида ўтказилган V жаҳон чемпионатида 52 кг. вазнда кумуш медал соҳибаси бўлди. Шу йили Қарши шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида ғолиблар шохсупасидан ўрин олди.

Динара Донаева 2006 йилнинг май ойида Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида бўлиб ўтган XI халқаро турнирда дзю-до бўйича иккинчи ўринни, 2007 йилнинг июл ойида Тошкентдаги «ЖАР» спорт мажмуасида юштирилган Осиё чемпионатида биринчи ўринни эгаллаб, шу йилнинг октябр ойида Монголиянинг Улан Батор шаҳрида аёллар ўртасида жаҳон чемпионатида қатнашди.

2009 йили Самарқандда ўтган кураш мусобақаларида, шу йилнинг ёзида Тошкентда бўлган самбо бўйича турнирда олтин медаллар билан тақдирланди. 2010 йили Ўзбекистон чемпионати ва кубогида фахрли ўрин соҳибасига айланади.


Динара ўз устида тинмай ишлайди, маҳоратини тобора ошириб боради. У спортнинг сузиш тури билан ҳам шуғулланиб, Қаршидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида сузиш мураббийси бўлиб ишламоқда.

— Эришган муваффақиятларимда устозларим Пўлат Омонқулов ва Баҳодир Хожиевларнинг хизматлари катта, — дейди Д. Донаева. — Ҳозирги пайтда жорий йилнинг апрел ойида бўладиган Ўзбекистон чемпионатида пухта ҳозирлик кўраяман.

Динаранинг мақсад хотин-қизлар ўртасида спортни кенг оммалаштириш, ўзининг билим ва маҳоратини баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишга бағишладан иборат.

Иззат ҲИКМАТОВ

Футбол



Дурангга бой тур

Апрел ойининг 1, 2 апрел кунлари Ўзбекистон профессионал футбол лигасининг 4-тур ўйинлари бўлиб ўтди. Турнинг марказий учрашувлари сифатида «Пахтакор» — «Насаф» ва «Нефтчи» — «Бунёдкор» клублари ўртасидаги беллашувлар эътироф этилганди. Иккала ўйин ҳам тенг курашлар остида кечди ва бир хил ҳисоб қайд этилди — 0:0. Турнинг бошқа баҳсларида юзага келган ҳисоблар ҳамда турнир жадвали билан куйида танишасиз:



4-ТУР
01.04.2011

«Пахтакор» — «Насаф» 0:0
«Нефтчи» — «Бунёдкор» 0:0

02.04.2011


«Қизилқум» — «Бухоро» 0:0
«Шўртан» — «Металлург» 2:3
«Динамо» — «Навбахор» 0:1
«Андижон» — «Машъал» 4:0
«Олмалиқ» — «Сўғдиёна» 2:2

Турнир жадвали

№	Жамоа	Ў	Ғ	Д	М	Т-Н	О
1.	«Бунёдкор»	4	3	1	0	6-1	10
2.	«Насаф»	4	3	1	0	5-1	10
3.	«Пахтакор»	4	3	1	0	4-0	10
4.	«Бухоро»	4	2	2	0	3-1	8
5.	«Андижон»	4	2	1	1	6-3	7
6.	«Навбахор»	4	2	1	1	2-1	7
7.	«Машъал»	4	2	0	2	5-7	6
8.	«Нефтчи»	4	1	1	2	4-4	4
9.	«Олмалиқ»	4	1	1	2	5-6	4
10.	«Қизилқум»	4	1	1	2	2-3	4
11.	«Металлург»	4	1	0	3	5-9	3
12.	«Сўғдиёна»	4	0	2	2	3-6	2
13.	«Динамо»	4	0	1	3	0-3	1
14.	«Шўртан»	4	0	1	3	4-9	1

Касаба уюшма спорти

Вилоятдаги йирик ва барқарор ишлаб келаётган «Фаргона-азот» очик акциядорлик жамиятида спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланувчилар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бунда корхона ишчи-ҳодимлари ўртасида мунтазам ўтказиб келинаётган спартакиада, «Оиламизда ҳамма спортчи» деб ном олган беллашувларга раҳбарият ва касаба уюшмасининг доимий эътибори, ғамхўрлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.



Кимёгарлар спартакиадаси

Барча қулайликларга эга бўлган спорт мажмуаси ва шинам ўйингоҳ йигит-қизлар ихтиёрида. Касаба уюшмаси ҳар йили меҳнат жамоаларида шаклланган спорт гуруҳлари қатнашчиларини кийим-бош ва жиҳозлар билан таъминлаб келаётир. Бунинг учун уюшма ҳисобидан 12-15 миллион сўм маблағ сарфланапти.

Кўкларнинг илк кунларида старт олган корхона спортчиларининг навбатдаги спартакиадаси яқинда якунига етди. Унда 300 га яқин ишчи-мутахассис волейбол, мини футбол, шахмат, шашка ва стол тенниси бўйича ўзаро куч синашдилар. Юқори натижаларга эришган вакиллар ёқилғи-энергетика комплекси, кимё sanoати ва геология ходимла-

ри касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги вакиллиги томонидан ўтказилаётган мусобақаларда иштирок этиш учун йўлланма олдидилар.

— Спартакиада жамоамизда спорт билан мунтазам шуғулланиб келаётганлар сафи янада кенгаётганлигини кўрсатмоқда, — дейди жамият касаба уюшмаси кўмитасининг раиси Рўзиматжон Тошбеков. — Кимёгарлар орасида спортчи ёшлар сонининг ортиб бораётганлиги қувонарли, албатта.

Беллашув ғолиблари қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Музаффар МАМАТҚУЛОВ, Фаргона вилояти

Маҳалла чемпионлари

Кува тумани марказида жойлашган 2-БУСМда спортнинг етти тури бўйича 1350 нафар ёш мунтазам шуғулланмоқда.

— Ушбу масканда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида фаолият қўлами кенгайтирилиб, белбоғли кураш, бадий гимнастика тўғарақлари ташкил этилди, — дейди мактаб директори Озодбахон Шерматова.

Шуни таъкидлаш зарурки О.Шерматова мураббийлигида тўрт йилдан буён спортнинг энгил атлетика тури билан шуғулланаётган 12 ёшли Зулфия Мамажонов ва Ўзбекистон чемпиони, мазкур спорт тури бўйича мамлакат терма жамоаси аъзоси ҳисобланади.

Мухаммаджон МАХМУДОВ, Марғилон шаҳри



Соғлом турмуш сари

Бундан бир йил аввал вилоят хотин-қизлар кўмитаси қошидаги «Раҳбар аёллар гуруҳи»нинг «Аёл ва спорт» уюшмасига раҳбар этиб тайинландим. Аёлларнинг қизиқишларини


ҳисобга олиб, жамоатчилик асосида «Аёл ва соғлом турмуш», «Олима аёллар», «Аёл ва сиёсат», «Аёл ва иқтисод» сингари 14 тур уюшма туздик. Йилнинг ҳар чорағида удаланаётган ва келгусида

амалга ошириладиган вазифалар ҳақида атрофлича маслаҳатлашиб оламиз. Вилоятда фаолият юритиб келаётган раҳбар аёллар, етакчи ходимлар ўртасида спортнинг 7 тури бўйи-

ча мусобақа ўтказилмоқда. Унда 25 дан 55 ёшгача бўлган кўнгиллар иштирок этмоқда.

Феруза РАҲИМОВА, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Навоий вилояти вакили

Акциялар нархи пасайиб кетди



«Фукусима-1» атом станцияси оператори TEPCO (Токио электр қуввати компанияси) акцияларининг нархи мисли кўрилмаган даражада пасайиб кетди. 5 апрел кундаги савдо натижаларига қараганда, компания акцияларининг нархи 362 иен (тахминан 4 доллар атрофида)га тенг бўлган.

TEPCOнинг АЭС атрофидаги 20 километрлик худуддан кўчирилган аҳолига товон тариқасида катта миқдорда пул тўлаши

кераклиги ҳақидаги хабарлар компания қимматбаҳо қоғозлари нархининг тушиб кетишига сабаб бўлди. Ўтган ҳафтада компания 24 миллиард АҚШ доллари миқдорида қўшимча молиявий маблағ олишга муваффақ бўлган эди. Аммо ҳисоб-китобларга қараганда, тўланиши керак бўлган товон пуллари миқдори 120 миллиард долларни ташкил қилади. Ҳозир TEPCO табиий офат

оқибатида кўрилган умумий зарарни баҳоламоқда. Шу туфайли компания маъмурияти ҳисоб-китобларнинг охирига етишни кутмай, АЭС худудида яшовчи аҳолига товон тўлашни бошлашга қарор қилган.

Табиий офат Япониянинг ички манбаларини издан чиқарибгина қолмай, мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларига ҳам зарар етказмоқда. Масалан, 6 апрел куни Ҳиндистон ҳукумати томонидан Япониядан келтириладиган озиқ-овқат маҳсулотлари импортини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Маълумотларга қараганда, таъқиқ уч ой давом этади.

Мазкур қарор Ҳиндистонлик мутахассислар томонидан Япония қирғоқларидан тутилган баликда радиоктивлик миқдори ошганлиги аниқлангач қабул қилинди. Мамлакат ҳукуматининг баёнотида айтилишича, маҳсулотлардаги радиоктивлик миқдори тушиши билан таъқиқ бекор қилинади.

Италияда Лиза дел Жокондо исмли аёл дафн этилган жойни аниқлаш бўйича тадқиқот старт олди. Маълум бўлишича, кўпчилик италияликлар Леонардо да Винчи чизган машҳур суратда шу аёл тасвирланган деб ишонади.



Мона Лиза изуган...

Тадқиқотчилар ишни «Мона Лиза» қабрини аниқ белгилашга ёрдам берувчи архив ҳужжатларини ўрганишдан бошлашди. Кидирув 27 апрел куни Флоренцияда, собиқ Илохий Урсула ибодатхонаси худудида бошланади. Ривоятларга қараганда, асли Герардиналик бўлган Лиза дел Жокондо 1542 йилда шу ерга дафн қилинган.

Лойиҳани аввал Караваджо, Петрарка, Боярдо, Пико делла Мирандола каби тарихий шахсларнинг қолдиқларини топишга муваффақ бўлган профессор Силвано Винченти бошқаради. Унинг сўзларига қараганда, агар қабр топилса, жасад қолдиқлари аввал ДНК текшируви ўтказиш учун лабораторияга юборилади. Унинг Жокондога тегишли эканлиги тасдиқланса, замонавий технологиялар ёрдамида аёлнинг қиёфаси тикланади. Шунда унинг да Винчи асарига тасвирланган аёл эканлиги ҳақидаги баҳсларга барҳам берилади.

Кафка мактублари можароси



Франц Кафкага тегишли юздан ортиқ хат ва суратли мактубларни Буюк Британия ва Германия ўзаро «бўлишиб олди». Маълумотларга қараганда, ёзувчи ушбу мактубларни синглиси Оттлага ёзган эди. Эндиликда ушбу ҳужжатлар навбат-навбат Оксфорд университети-нинг Бодлиан кутубхонаси ҳамда Германия адабиёт музейида сақланади.

Кафканинг мактублари 40 йилдан буён Оксфордда сақланар эди. Лекин ўтган йили ёзувчининг авлодлари ушбу ҳужжатларни сотувга чиқаришга аҳд қилди. Маълум бўлишича, Бодлиан кутубхонаси ҳужжатларга тўлиқ эгалик қилиш истагини билдирган, аммо хатларнинг ҳаммасини сотиб олишга қурби етмаган. Шунда Германия адабиёт музейи архиви кутубхонага ўз ёрдамини таклиф қилиб, тўпламнинг ярмини молиялаштирган.

Тўланган маблағ миқдори ошкор этилмаганидек, хатларнинг Германияга юбориладиган қисмининг рўйхати ҳам эълон қилинмаган.

Оттла — ёзувчининг уч синглисидан бири бўлиб, адиб унга кўплаб мактубларини бағишлаган. У қолган икки опаси билан II Жаҳон уруши даврида фашистларнинг Польшадаги концентрацион лагерида ҳалок бўлган.



Хушмуомала бўлинг, жаноб!

Непалда маҳаллий киноюлдузлар йўл ҳаракати полицияси ходимларига қонда-бузарлар билан хушмуомалада бўлишни ўргатишга ёрдам беради.

Йўл ҳаракати нозирлари устидан кўплаб шикоятлар тушиши актёрларнинг полицияга ёрдамга жалб қилинишига сабаб бўлди. Полиция бошқармаси бошлигининг сўзларига қараганда, кўп ҳолларда нозирлар ҳақиқатан ЙҲҚ бузганларга нисбатан ўта кўпол муомалада бўлишади.



Бошқарма ходимларининг ўзлари ушбу фалати ташаббусга қандай муносабатда бўлишаётгани эса номаълум.

Янги минерал аниқланди

Жанубий Корея, АҚШ ва Япониялик олимлардан иборат халқаро илмий гуруҳ ҳали фанга маълум бўлмаган янги минерал моддасини аниқлади. Топилмага фазовий жисмларни ўрганиш соҳасида тадқиқотлари билан машҳур бўлган Калифорния университети профессори Жон Вассон шарафига «вассонит» деб ном берилди.

Вассонит олтингургурт ва титандан ташкил топган. Янги модда ва унга берилган ном Халқаро минералогия ассоциацияси томонидан тасдиқланган.

Модда «Ямато 691» метеоритини ўрганиш чоғида кашф этилди. Бу метеорит 1969 йилда Антарктикада топилган эди. Текширув натижаларига кўра, олимлар метеорит 4,5 миллиард ёшда бўлган самовий жисм қолдиғи, деган хулосага келишган.



Кампиршо интернетни «ўзди»

75 ёшли грузиялик аёлнинг эҳтиётсизлиги туфайли Арманистон бир неча соат мобайнида интернетсиз қолди. Хабарларга қараганда, аёл оптик толали магистрал кабелни узганлигини тан олган.

Унинг айтишича, кабел жойлашган худуддан мис кидираётган бўлган ва шу боис кабелга жиддий зарар етказган. Шундан сўнг ҳодиса жойига кўриқлаш хизмати ходимлари етиб келишиб, уни қўлга олишган.



Эйфел минораси муסיқа чалади

Нью-Йорклик бастакор Жозеф Бертолоцци Эйфел минорасидан муסיқа асоби сифатида фойдаланишга рухсат олди.

Бастакорга ташқи таъсир натижасида минорадан чиқаётган турли товушларни ёзиб олишга рухсат беришди. У бу товушлардан фойдаланиб, муסיкий асар ёзади. Аммо Жозефнинг орзуси бошқача

— у ўз изланишлари сўнггида миноранинг ушбу мусиқани «жонли» ижро этишига эришмоқчи.

Америкалик мусиқачи бундай ишга илк бор қўл ураётгани йўқ. Маълум бўлишича, у аввалроқ Гудзон кўрфазидagi Франклин Рузвелт кўпригини ҳам «куйлатган».

Бертолоццининг сўзларига қараганда, Париж шаҳридаги машҳур обидага масъул ташкилот минора иштирокидаги «жонли концерт»га ҳеч қандай эътироз билдирмаган. Айни пайтда мусиқачи 2014 йил — Эйфел минорасининг 125 йиллик юбилеи нишонланадиган йилда ўтказилиши мўлжалланаётган концертга маблағ йиғишни бошлаган.

Интернет хабарлари асосида Ж. ЮНУСОВ тайёрлади

«Муборакнефтьгаз» унитар шўба корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси корхона касаба уюшма кўмитасининг собиқ раиси, меҳнат фахрийси

Давлат БОЗОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик изҳор қилади.

Амир Темури таваллуд кунин олдида



Миллий маънавиятимизни юксалтириш, халқимиз, айниқса, ёш авлодни буюк аждодларимизнинг бой меросидан баҳраманд этиш, ўғил-қизларни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар қилиб вояга етказишда бобомиз Амир Темурининг ҳаётий ўғитлари муҳим ўрин тутади. Соҳибқирон таваллудининг 675 йиллигига бағишланиб ўтказилаётган тадбирларда бу жиҳатлар ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Миллат фахри

Эътибор Касбининг бахтиёр момолари

Касби туман ҳокимлиги, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими билан биргаликда қишлоқ ва маҳаллаларда яшовчи 14 нафар 100 ёшдан ошган момолар ҳолидан хабар олишди. Уларга турли моддий ёрдам берилди, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

— Шундай кунларга етказганига шукур! Халқимизни байрам кайфияти тарқатмасин. Бахтимизга доим Юртбошимиз омон бўлсин, — дея дуо қилди Майманоқ қишлоғида яшовчи 111 ёшли Хикоят момо Жўраева.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

«Буюк соҳибқирон — миллат фахри» деб номланган кечада коллеж ўқувчилари мардлик ва жасорат, саховат ва мурувват тимсоли бўлган Амир Темури ҳаёти, фаолияти, маънавий мероси, жаҳон цивилизациясида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақидаги билимларини намойиш этишди. Шунингдек, «Амир Темури — буюк давлат асосчиси» мавзусида иншолар танлови ҳам ўтказилиб, энг мазмунли иншо муаллифлари маъмурият томонидан фахрий ёрлик билан тақдирландилар.

Тарих, ҳуқуқшунослик, миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари фани ўқитув-

чилари ўзларининг бор билим ва тажрибаларини сафарбар қилган ҳолда ташаббус кўрсатиб, апрел ойини «Амир Темури ойлиги» деб эълон қилиб, очиқ дарслар жадвалини ишлаб чиқишди. Соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ маълумотлар, «Темури тузуқлари» дан олинган ҳикматли фикрлар асосида электрон дарсликлар, мультимедиялар яратилиб, дарсда ва дарсдан ташқари ўтказилган маънавият соатларида намойиш қилинди.

Илғорбек БОБОЖОНОВ, Урганч маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

«БУЮК СОҲИБҚИРОН» айланма кроссворди

Белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофи: 1. Достонларида теурийларни мадҳ этган улўғ ўзбек мумтоз шоири. 2. Амир Темури давлати қароргоҳи жойлашган Самарқанддаги сарой. 3. «Темури тузуқлари» асариди Амир Хусайнга Соҳибқирон ёзган туркий байтдан: «Ёрга еткур сабо, ким макр қилмишдир манға, Қилди эрса, кимга ... қайтадур бир кун анга» 4. Амир Темури давридаги давлат рамзларидан бири. 5. Ҳукмдорлик мероси Амир Темурининг ўғли Мироншоҳ даврига тақаладиган, ўзбек мумтоз шоири, олими, ўз номи билан аталувчи ҳукмдорлик сулоласини вужудга келтирган саркарда. 6. Теурийзода ҳукм-

дор, Соҳибқироннинг набираси, таникли фалакиёт олими. 7. Амир Темури ҳаёти давомида қатъий эътиқод қўйган ва ҳамишалиг амал қилган беш нарсанинг бирига берган таърифидан: «... — барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир». 8. Амир Темури кўшинларининг Деҳли султони Султон Маҳмудхон кўшини ўртасида 1398 йилда бўлиб ўтган тарихий жанг жойи. 9. Амир Темурининг ҳаёти ва юришлари ҳақидаги «Зафарнома» асари муаллифи. 10. Қадимда зиммасига аҳолини рўйхатга олиш ва солиқ йиғиш вазифаси юкланган шаҳар ва вилоят ҳокими. 11. Ўзбекистон

Қаҳрамони, Халқ шоири, «Соҳибқирон» тарихий драмаси муаллифи. 12. Амир Темури ҳақида маълумотлар ёзиб қолдирган тарихчи олим. 13. Амир ўғиллари исмларига қўшиб айтилган сўз. 14. Тошкент вилоятидаги Амир Темури мақбара бунёд этган туркистонлик авлиё номи билан аталувчи зиёратгоҳ. 15. Амир Темури сиймосини мўйқаламда тасвирлаган таникли ўзбек rassоми. 16. Соҳибқирон пирларидан бирининг исмидан Саййид ... 17. Амир Темури ҳаётининг сўнгги кунлари ўтган тарихий шаҳар. 18. Амир Темури кўшинининг қанот ёки марказ қисми олдида жойлашган ҳарбий бўлима. 19. Теурийзода ҳукмдор Хусайн Бойқаро давлати пойтахти. 20. «Темури тузуқлари» асарининг ўзбек тилига биринчи таржимони, жамоат арбоби. 21. Амирлик саройида узоқ йиллар хизмат қилган киши, амалдор. 22. Амир Темури аждодлари мансуб бўлган ўзбек уруғларидан бири. 23. Хон ва амирларнинг хос йиғитлари. 24. Самарқанддаги меъморий обидалар билан қуршалган мухташам тарихий майдон.


«Соҳибқирон ўғитлари» муаммонаси

Авал буюк Амир Темури ёзиб қолдирган ўғитлардан қуйида келтирилиб, рақамларда ифодаланган қалит сўзларни топинг.

1. Бўлар одам ёшида ҳам 7, 5, 12. бўлар, Бўлмас одам қирқида ҳам ёш бўлар.
2. Яхшини ёмон кунда 11, 8, 4, 3.
3. 10, 4, 14. баланд минора ҳам ердан кўтарилгай.
4. Ишон — аммо 15, 6, 7, 9, 3. қил.
5. Ақли душман, 13, 5, 9, 8, 2, 6. нодон дўстдан яхшироқ.
6. Кам енглар — очарчилик кўрмасдан бой-бадавлат яшайсизлар, кам ухланглар мукамалликка эришасизлар, кам гапиринглар 1, 5, 4, 5. бўласизлар.
7. Филнинг думи бўлгунча, чумолининг боши 7, 15, 2.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

Газетанинг навбатдаги сони 12 апрел, сешанба кунин чиқади.



oliy baxt

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир: Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Тахрир хайъати:

Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'loqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV

Бизга қўнғироқ қилинг:

Котибият: 256-52-78
Хатлар бўлими: 256-85-43

Вилоят мухбирлари:

Андижон + 99897 465 05 68;
Бухоро + 99893 653 50 81;
Жиззах + 99872 360 00 10;
Навоий + 99893 725 46 40;
Наманган + 99893 415 06 66;
Самарқанд + 99866 933 25 04;
Сурхондарё + 99897 458 05 07;
Фарғона + 99891 679 32 79;
Қашқадарё + 99897 414 30 78
Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм + 99862 562 56 75;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табақ.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар h белгиси остида чоп этилади.

E-mail: ishonch 2011@gmail.com

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир:

Ж.Шарофбоев

Навбатчи:

Ш.Абдусаматов

Мусаҳҳих:

С.Шодиева

Саҳифаловчи-

дизайнер:

Ҳ.Абдужалилов

Босишга топшириш

вақти - 21.00

Топширилди - 22.30

Буюртма Г— 451

Тиражи: 20513

ISSN 2010-5002

1 3 4 5